Бундай ютуқларга эришиш учун Ўзбекистон Миллий Парламенти – Олий Мажлис ҳам икки палатали парламент тизимига ўтди.[1]

2002 йил 27 январда Ўзбекистонда бўлиб ўтган референдум ва у асосида қабул қилинган "Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятининг асосий принциплари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳақида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида" каби қонунлар икки палатали парламент тизимига ўтишнинг зарур ҳуқуқий базасини яратди ва мамлакатда сайлов қонунчилигига ҳам ўзгартириш киритилди. Қабул қилинган конституцион қонунлар ва шу асосда ўзгартирилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларни қайта бўлиб олиш ва уларни демократик асосда таъминлашга хизмат қилади.

Икки палатали парламент фаолият олиб бораётган дунёнинг етакчи давлатлари тажрибасини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Бу, биринчи навбатда, Францияга тегишли дейиш мумкин, чунки Франция мисолида олий қонунчилик органи Миллий Ассамблея ва Сенатнинг фаолияти мамлакат ҳаётига, унинг сиёсати, иқтисодий тараққиёти ва маданий ривожланишига таъсири нақадар жиддий эканини кўриш мумкин.

1789 йилда Франция сиёсий тизимида қатъий бурилиш юз берди. 1789 йил 14 июлда Буюк француз революцияси бошланди.

Республика бошқарувига асосланган сиёсий тизим шу революциядан кейин бошланган бўлса-да, юз йил ўтгач у узил-кесил ғалаба қозонди. Франция давлат тузилишида такомиллик томон йўл тутди. Ана шу сабаб республикалар тез-тез ўзгариб турди. 1792 йилдан то ҳозирга қадар 5та республика алмашди. I Республика (1792-1804), II Республика (1848-1851), III Республика (1870-1940), IV Республика (1946-1958). Бу республикалар даврида давлат ҳокимияти органлари тўла шаклланиб, такомиллашиб борди. Шу мақсадда I Республика қадимий Римдаги консуллик тизимига тақлид қилди, II Республика Франция сиёсий тизими ва, қолаверса, Европа давлатчилиги учун бутунлай янги бўлган "америкача" президентлик институтини киритиб кўрди. АҚШ каби Францияда ҳам президент конституция асосида 4 йилга сайланадиган бўлди, бунинг устига вице-президентлик лавозими таъсис этилди. III ва IV Республикаларга келиб, Франция парламент республикасига айланди, Президент палаталарнинг қўшма мажлисида сайланиши қоидаси жорий этилди.

Бу даврда асосий муаммоларни парламент ҳал қилар эди. Лекин парламентнинг шаклланиш вакти жиҳатидан иккинчи палатаси – Сенат ўз фаолиятини бошлаши учун талайгина муаммолар мавжуд эди. Бу муаммолар IV Республика даврига келиб қисман ечилди ва икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлади. IV Республика жуда қисқа даврни ўз ичига олган бўлсада, ўша даврда қонунларни қабул қилишда Сенат катта роль ўйнади. Натижада қонунларнинг сифати анча яхшиланди. II-Жаҳон урушидаги ғалабадан сўнг Франция оламшумул вазифаларни бажармоғи керак эди, мамлакат Янги даврга қадам қўйиши лозим эди. 1958 йилдан бошланган V Республика даври мамлакатнинг сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Янги Конституциянинг қабул қилиниши ва шу асосда бир қатор қонунлар энди икки палатали парламент томонидан қабул қилина бошлади.

1958 йилги V Республика Конституциясининг дунёга келишида буюк сиёсат арбоби Шарль де Голлнинг ҳиссаси жуда катта. Ҳукумат бирлигини, тизим самарадорлигини, давлатнинг мавқеини ва буюклик нуфузини сақлаб қолиш учун қуйидаги мавзуларни ривожлантирди:

-1944 йилда қўллаб-қувватланган ва қайта тикланган давлатни юксалтириш;

- ҳокимият органларининг бўлиниши ва тенглиги;

- икки палатали парламент, биринчи палатани тўлдирувчи ва қонун чиқариш ташаббусига эга бўлган иккинчи палата қисман иқтисодий ташкилотлар ва интеллектуал доиралар вакилларидан ташкил топган бўлиши керак[1], деб топилди. Бу – II Жаҳон урушидаги ғалаба асосида Франциянинг буюклигини тиклаш стратегик режаси эди.

Бу эса тарих сабоқларини инобатга олиб, янги, 1958 йил конституциясини яратишни кун тартибига қўйди.

1958 йилда қабул қилинган V Республика Конституциясига кўра Франция унитар давлат бўлиб, у 96 департаментдан ташкил топган. Департаментларда маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари – бош кенгашлар (Conseil general) фаолият юргизади. Улар 6 ой муддатга сайланиб, ярим таркиби ҳар 3 йилда янгиланиб туради. Янги давр Франция бошқарув шакли бўйича республика бўлишини, унда парламент республикаси билан президентлик республикаси элементлари ўзаро уйғунлашган бўлишини тақозо этди. Президент қонунчилик соҳасида ҳам кенг имтиёзларга, жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. У Парламент қабул қилган қонунларни 15 кун ичида тасдиқлайди ёки бошқа жавобни беради. Агар қонунлар Президент тасдиғидан ўтмаса, уларни қайта кўриб чиқиш учун яна парламентга қайтарилади. Президент ҳар қандай қонун лойиҳасини Конституцияга мувофиқлигини текшириш учун Конституциявий кенгаш ҳукмига тақдим этиши мумкин. Шунингдек, Парламент сессияси пайтида ҳукумат ёки палаталарнинг таклифига кўра Президент давлат аҳамиятига молик масалаларни умумхалқ референдумига қўйиши мумкин. Шунингдек, Пре-

[1] 2004 йил 26 декабрда умумхалқ сайлови асосида икки палатали парламент фаолият бошлади.

[1] Қаранг: Les institutions de la V République. P. : Laffhette, 2000, p.28.

зидент Парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бундай ваколат президентга фақатгина V Республика даврида берилди. Бироқ у бу қарорни Бош Вазир ва Парламентнинг ҳар иккала палатаси раислари билан кенгашиб олгандан кейингина қабул қилишга ҳақлидир. Бу мисоллардан Франция ҳозирги даврда ўзига мукаммал парламент машинаси ва Президент бошқаруви тизимини яратганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси парламент соҳасида олиб бораётган бугунги фаолиятида бевосита дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан Франция сиёсий тизимига хос бўлган катта амалий тажрибадан фойдаланиб келмоқда. Бунга тарихдан мисол келтириш мумкин:

- Францияда II жаҳон урушидан сўнг иқтисодий-сиёсий тизим бутунлай издан чиққан эди. Ўзбекистонга эса собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг ундан ҳам оғирроқ иқтисодий инқироз "мерос" бўлиб қолган эди.

- 50-йилларда Францияда мамлакатнинг барқарорлигини таъминлаш ва зарур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни ўтказувчи кучли ижроия ҳокимиятига зарурат бор эди. Бу ҳукумат Ш.де Голл бошчилигида 1958 йилга келиб тузилди ва у жамиятда туб демократик ислоҳотларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Ўзбекистонда ҳам шу каби ҳукуматга зарурат бор эди. Франциядаги сингари Ўзбекистонда ҳам ҳокимиятнинг уч бўғини: қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Ҳокимиятнинг қонунчилик органи давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосини Конституция ташкил қилади. Ўзбекистонда фаолият юритаётган олий қонунчилик органи – Олий Мажлис бугунги кунда қонунларнинг сифатини ошириш, халқ манфаатига мос келадиган қонунларни яратиш мақсадида янги қадам қўйди. Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият бошлади. Бундай ютуқ Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йилида қўлга киритилган бўлса, Францияда эса бир ярим асрдан кўпроқ вақт ичида бундай тизимга ўтилди. Чунки Ўзбекистон давлат ҳокимияти органларини тўла шакллантиришда жуда кўп йиллик тажрибага эга бўлган чет давлатлар, шу жумладан Франция тажрибасидан фойдаланди.

Бу икки мамлакатнинг қонунчилик тизимини солиштирадиган бўлсак, жуда кўп ўхшаш томонларга дуч келамиз.

Францияда Парламент икки палатадан – Миллий Ассамблея ва Сенатдан иборат. Ҳар палата аъзолари турлича сайланади. Миллий Ассамблея таркибида 577 депутат бўлиб, улардан 555 нафари метрополиядаги 555 сайлов округидан ва қолган 22 нафари денгиз орти ҳудудларидан ва департаментларидан 5 йиллик ваколатга, икки турда ўтувчи умумиллий сайловларда кўпчилик овоз билан сайланадилар. Франциянинг ушбу ҳудудлари унинг собиқ мустамлакалари бўлиб, Ҳозирги кунгача ҳам бу давлатлар Франциянинг эътиборидан четда қолмаган. У ерда Франциянинг кўпгина урф-одатлари, анъаналари, тили, умуман олганда, давлатчилиги сақланиб қолган.

Миллий Ассамблеяга номзод бўлиш учун Франция фуқароси бўлиш билан бирга, 23 ёшдан кичик бўлмаслик талаб этилади. Ҳар бир округдан бир депутат сайланади.[1]

Ўзбекистонда эса Олий Мажлис қуйи палата – Қонунчилик палатаси таркибида 120 депутат бўлиб, улар Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумхалқ сайловида сайланади. Бу депутатлар 25 ёшдан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари бўлишлари шарт.

Францияда Парламентнинг юқори палатаси – Сенат иккиламчи овоз бериш билан сайланган 321 сенатордан ташкил топади, шу жумладан, 309 нафари маҳаллий ҳукумат органларидан, 12 нафари эса Франциянинг собиқ мустамлакаларидан вакил бўлади. Сенатдаги 309 нафар маҳаллий ҳукумат органлари вакилларининг 304 нафари метрополия ва денгизорти департаментларидан, шу жумладан, 296 таси метрополия департаментларидан, 8 нафари денгизорти департаментларидан, 2 нафари денгизорти ҳудудлар Майотт ва Сен-Пьер-э-Мияси, Валлис-э-Футуна ҳамда Янги Каледониядан вакил бўлади.

Сенат 9 йил муддатга департаментлардаги сайловчилар коллегиялари – депутатлари, вилоят кенгашлари, туман кенгашлари, муниципал кенгашлар томонидан сайланади. Франциядаги тартиб билан Ўзбекистондаги бу борадаги тартибқоидани қиёсласан, давлатимиз янада мукаммал парламент яратганини кўрамиз.

[1] Қаранг: Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси.- Т.: "Шарқ"- 2004й, 194-бет.

Ўзбекистонда юқори палата – Сенат аъзолари тенглик асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 тадан сайланадилар. Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган 16 нафар эл-юртда обрў қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор бўлиб, уларни сайлаган кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб туради, кўпроқ минтақалар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Сенатнинг шаклланиш тартибига келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан, уларнинг қўшма йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмайди ва қуйи палатага тўла эркинлик беради. Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввало мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Юқори палата – Сенатнинг қуйи палатадан яна бир фарқи шундаки, қуйи палата доимий асосда иш олиб боради, Сенат эса сессияларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилади ва ўз қарорини чиқаради. Бир палатали парламент

даврида депутатлар тўпланиб, 3-4 кун ичида бир қатор қонунларни қабул қилишарди. Энди эса парламентнинг қуйи палатаси аъзолари доимий равишда қонун лойиҳаларини тайёрлаб, уларни Сенат аъзолари муҳокамасига топширади ва Сессияда ушбу маълум қолипга солинган қонунлар қабул қилиниши мумкин.

Францияда эса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи депутатларга ҳамда ҳукумат аъзоларига тарқатилади. Ҳукумат томонидан олдинга сурилган қонун лойиҳаси "projets de loi" (қонун лойиҳаси), депутатлар томонидан илгари сурилган лойиҳа эса – "propositions de loi" (қонун ҳақида таклиф) деб номланади. Барча қонун лойиҳалари Миллий Ассамблеяга юборилади ва у ерда рўйхатдан ўтказилади ҳамда тартиб рақами берилади.[1]

Сенаторлар ҳам қонунчилик ташаббусига эгалар. Қонун қабул қилиниши учун иккала палатада ҳам тасдиқланмоғи лозим.

Депутатларнинг қонунчилик ташаббуслари Конституциянинг 40-моддасига мувофиқ бир неча бор экспертизадан ўтади[2]. Қонун лойиҳаси палаталар мажлиси тартибига палаталар раислари, уларнинг ўринбосарлари, доимий қўмита раислари, парламент фракциялари бошлиқлари ва ҳукумат вакилларидан иборат раислар Конференциясида киритилади. Одатда конференция мажлислар тартибини уч ҳафта олдиндан белгилаб боради. Ўзбекистонда эса қуйи палата депутатлари тайёрлаган қонун лойиҳалари Сенат раиси, Сенатнинг бошқа аъзолари, қолаверса, Республика Президенти ҳам қайта кўриб чиқади.

Францияда парламент қайси масалалар бўйича қонунчилик иши олиб боришини Конституция билан белгилаб берилиши Бешинчи Республика тизимининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

1958 йилдан буён парламент бир йилда икки марта йиғилади. Биринчи сессия 2 октябрда бошланади ва 80 кун давом этади, иккинчи сессия 2 апрель куни очилади ва 90 кун давом этади.

Ўзбекистон Парламентида бир йилда камида иккита сессия иш олиб боради. Бу сессияларда турли хил соҳалар, яъни иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий, тадбиркорлик соҳаларида қилинган ишлар ҳақида ҳисоботлар, қабул қилинган қонунларнинг қандай ижро этилаётганлиги ҳақидаги маърузалар таҳлил қилинади. Ушбу сессияларда барча Олий Мажлис депутатлари иштирок этишади ва бўлиб ўтган сессия матнлари матбуотда эълон қилинади.

Чет эл парламентаризми, хусусан Франция тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, демократик давлатлар парламент тузилмасининг асосий хусусияти – депутатларнинг фракция ва блокларга бўлинишидир. Сиёсий гуруҳлар асосий вазифани, яъни давлат органлари ва жамият орасида боғловчи ҳалқа вазифасини бажаришга сезиларли даражада мослашган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари асосида ташкил топган икки палатали Олий Мажлис ваколатлари доираси бир палатали Олий Мажлис ваколатлари билан қиёслаб таҳлил этиладиган бўлса, бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумати ваколатларининг бир мунча қисқартилиши ҳисобига кенгайтирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг 78-моддасига асосан Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатига кенг доирадаги ваколатлар берилган.

Икки палатали парламентни вужудга келтиришдан кўзланган мақсад ҳам қонунларни яратишда халқ манфаатларини ҳисобга олиш ва қонунчилик жараёнида популизм, лоббизм ва яккаҳоялик ҳолатларини мутлақо йўқотиш ҳамда кўпфикрлилик асосида қонунлар қабул қилишга эришишдир. Шунга кўра қуйи палата депутатлари қонунлар яратиш устида доимий равишда ишлайдилар ва қонунларни шакллантирадилар. Юқори палата депутатлари эса қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қиладилар ва қарор чиқарадилар. Натижада қонун ҳар томонлама мукаммаллашади, жаҳон андозалари даражасига кўтарилади. Икки палатали парламентнинг устунлиги шундаки, қонун икки палата томонидан кўриб чиқилиши учун турли манфаатлар ва қарашлар ҳисобга олинади ҳамда энг илғор, тўғри фикрга, ғояга тўхталинади. Бу жараёнда парламент ва ижроия ҳокимият вазифалари белгилаб олинади, ҳар қандай фаолият аниқ тусга эга бўлади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, депутатни халқ сайлайди, халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш улардан, аввалам­бор, ҳақиқий юртпарварликни, ҳалол, фидоий бўлишни, ҳузур-ҳаловатидан воз кечишни, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳволидан хабардор бўлиш, тақдирига куюнчаклик билан ёндашиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода халқ дарди билан яшашни талаб этади.[1]

Икки палатали профессионал парламентни шакллантириш йўлидан бораётган, давлат ва жамият тараққиётининг барча жабҳаларини ислоҳ этиш орқали демократик жамият қуриш сари илдам одимлаётган Ўзбекистон Республикаси учун халқаро парламентаризм тажрибасининг роли жуда каттадир. Чунки бу тажриба асрлар, йиллар давомида шаклланиб, турли тўсиқларни босиб ўтган ва ривожланаётган давлатларнинг бугунги ҳаёти учун сабоқ бўлмоқда. Ўзбекистоннинг икки палатали парламент соҳасида олиб бораётган бугунги фаолияти яқин келажакда бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритади.

[1] Қаранг: Ўша жойда.: 217-бет.
[2] Қаранг: La Constitution de la France de la V Republique. 1998. p-117.

[1] Қаранг: "Депутат қандай бўлиши керак?". "XXI аср" газетаси. 2004 йил 28 октябрь

Ф.Э.Мухамедов,
Аспирант УМЭД

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ НЕЗАКОННОМУ ОБОРОТУ НАРКОТИКОВ

В настоящее время все более актуальной становится необходимость комплексного подхода к решению проблем незаконного оборота наркотических и психотропных средств, его взаимосвязи с организованной преступностью и терроризмом.

Практически все страны международного содружества проявляют заинтересованность в налаживании сотрудничества в этой сфере с Узбекистаном. Так как решить эту одну из самых острых проблем человечества без усилий всего международного сообщества невозможно, делается все возможное для защиты интересов по приоритетным направлениям этой борьбы. Активная позиция Узбекистана, включившегося во взаимодействие в сфере борьбы с незаконным оборотом наркотиков, позволяет влиять на принятие важнейших для всех сторон решений, резолюций и итоговых документов.

Ни одна страна в мире не в состоянии в одиночку справиться с такими негативными процессами; необходимы коллективные меры, требующие значительных политических усилий – превентивной дипломатии, миротворчества, поддержки развития демократических институтов, способствующих утверждению гражданского общества и полного соблюдения верховенства законов.

На средства, полученные от торговли опиатами, покупается оружие и финансируется деятельность исламских и других радикальных группировок. Международные правоохранительные органы обеспокоены тем, что многие наркоторговые операции остаются под контролем радикалов. В силу взаимосвязи этих вопросов необходимо рассматривать терроризм и наркотрафик как звенья одной цепи. Совершенно очевидно, что при разрешении многочисленных проблем, угрожающих безопасности и стабильности стран Центральноазиатского региона и всего мирового сообщества, для ведения эффективной борьбы с любыми проявлениями наркобизнеса и сопутствующих ему факторов необходимо не только политическое единение государств региона, но и объединение усилий их спецслужб и всех силовых структур, непосредственно сталкивающихся с этой проблемой.

Рост угрозы странам Центральной Азии со стороны организованной преступности связан и с открытостью границ со странами СНГ, притоком значительного числа иммигрантов, преступных элементов. В этих условиях чрезвычайную актуальность приобретает проблема конфликтных районов и предконфликтных ситуаций, представляющих реальную угрозу региональной безопасности. Для их ликвидации необходим комплексный и согласованный подход на национальном, региональном и международном уровнях, а также укрепление оперативного потенциала правоохранительных органов на национальном и региональном уровнях, активное содействие программам подготовки работников служб пограничного контроля в странах Центральной Азии, с использованием экспертной помощи специализированных организаций. Это станет важным подспорьем в дальнейшем урегулировании миграционных потоков.

С целью выявления и предотвращения незаконного оборота наркотиков правоохранительные органы Узбекистана осуществляют регулярные комплексные мероприятия, такие как «Черный мак» и «Заслон», участвуют в международной операции ТОПАЗ по отслеживанию поставок ангидрида уксусной кислоты. Завершен проект «Усиление правоохранительных структур и укрепление сотрудничества в приграничных районах Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана (Ошский узел)», создан Национальный кинологический центр.

На 32-й сессии Подкомиссии по незаконному обороту наркотиков на Ближнем и Среднем Востоке (в Подкомиссию входят все государства Западной Азии, кроме Армении и Грузии, включая не входящие в субрегион Египет и Индию), которая проходила в Баку 17-21 февраля 1997 г., было принято Бакинское соглашение о субрегиональном сотрудничестве в борьбе против незаконного культивирования, производства, оборота, распределения и потребления наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров. В том же году государства-члены Организации экономического сотрудничества (Азербайджан, Афганистан, Киргизия, Пакистан, Таджикистан, Туркменистан, Турция и Узбекистан) в присутствии представителей правительства Б.Раббани постановили создать координационное подразделение по вопросам контроля над наркотиками.

В феврале 2003 г. Узбекистан, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, а также представители полицейских ведомств Германии, Австрии, Дании, Франции и Великобритании провели совместные тренировочно-практические мероприятия "Дружба".

Правоохранительные органы Узбекистана тесно сотрудничают с международными организациями (ООН, ОБСЕ, ЕС и др.) и соответствующими структурами зарубежных стран (прежде всего, США и ФРГ), в том числе по вопросам технического содействия спецподразделениям. В настоящее время в рамках программы ТАСИС в партнерстве с УНП ООН в стадии подготовки находится Программа действий по борьбе с наркотиками в Центральной Азии (CADAP). В нее включены пилотные проекты по созданию региональной системы по сбору, обработке и обмену информацией (POLINT), предотвращению распространения наркотиков в тюрьмах (PRISON) и др.[1]

30 апреля 2003 г. подписан Проектный документ по содействию Узбекистану в возобновлении деятельности контрольно-пропускного пункта «Хайратон» на узбекско-афганской границе между Правительством Республики Узбекистан и Управлением ООН по наркотикам и преступности. Проект направлен на совершенствование пограничного контроля на КПП «Хайратон», усиление координации деятельности правоохранительных органов в области конт-

[1] См.: О деятельности Республики Узбекистан в области борьбы с наркобизнесом. 29.01.04, Кыргызское национальное информационное агентство «КАБАР» http://www.kabar.kg/04/Jan/29/39.htm

роля за наркотиками. Официальное открытие состоялось 26 июня 2003 г.

12-13 июня 2003 г. в Ташкенте состоялась встреча представителей стран-участников Меморандума о взаимопонимании и сотрудничестве в области контроля за наркотиками в Центральной Азии по созданию Регионального информационно-координационного центра, цель которого – улучшение и координация усилий правоохранительных органов стран Центральной Азии в борьбе с незаконным оборотом наркотиков.

Под эгидой ООН в Ташкенте проведены крупные мероприятия: конференция Группы «6+2», конференция «Укрепление безопасности и стабильности в Центральной Азии. Интегрированный подход в борьбе против наркотиков, организованной преступности и терроризма». Узбекистан активно сотрудничает в рамках повестки Генеральной Ассамблеи ООН с различными специализированными учреждениями системы ООН. Особенно результативно развивается сотрудничество Республики с Программой развития ООН, Управлением ООН по наркотикам и преступности.

В Уголовном кодексе Республики Узбекистан шестью статьями предусмотрена ответственность – за культивирование запрещенных к возделыванию культур (ст. 270), незаконное завладение наркотическими средствами или психотропными веществами (ст. 271), незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами с целью сбыта, а равно их сбыт (ст. 273), вовлечение в употребление наркотических средств или психотропных веществ (ст. 274), нарушение правил производства или обращения с наркотическими средствами или психотропными веществами (ст. 275), незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами и психотропными веществами без цели сбыта (ст. 276).[1]

Надо отметить, что пока отсутствует согласованная и принятая международная система показателей и методика их получения в этой области, поэтому приводимые в разных источниках статистические данные, даже за один и тот же период, часто расходятся и дают лишь приблизительное представление о масштабах и динамике явления. Так, в 2002 г. правоохранительными органами Узбекистана выявлено 8716 наркопреступлений, к уголовной ответственности привлечено около 7000 человек, 33% их – лица в возрасте до 29 лет, а 45% – неработающие и не учащиеся. Из незаконного оборота в прошлом году было изъято 839,6 кг наркотических веществ. В ходе операции «Черный мак» в 2002 г. было выявлено 1310 фактов незаконного выращивания наркосодержащих растений и уничтожено 1,9 гектара таких посевов. В стране реализуется целевая государственная программа, рассчитанная на 2002-2005 годы. Об эффективности этой деятельности свидетельствует постепенная стабилизация масштабов злоупотребления наркотическими веществами, как сообщил главный эксперт Национального центра по контролю за наркотиками при Кабинете Министров РУ Низам Фарзалиев.[2]

10 марта 2005 г., на состоявшейся презентации ежегодного доклада Международного комитета по контролю за наркотиками, руководитель Национального информационно-аналитического центра при Кабинете Министров Узбекистана Камол Дусметов огласил такие цифры: в 2004 г. в республике выявлено 8538 преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотиков. Из незаконного оборота изъято 1633 кг наркотических веществ, что на 51% превышает показатели 2003 г. При этом в 1,8 раза увеличился объем изъятого героина (598 кг против 336 кг в 2003 г.). Также изъято 384 кг опия, 543 кг марихуаны, 16 кг гашиша, 94 кг кукнара. "Рост изъятий героина произошел, в основном, за счет задержания крупных партий", - пояснил К. Дусметов. Наиболее потребляемым наркотиком остается героин. Количество героиновых наркоманов увеличилось в 2004 г. на 658 человек и составило 12 тысяч.[1]

В результате проведения комплексных оперативных мероприятий в Узбекистане удалось ликвидировать сырьевую базу наркобизнеса. Если в 1994 г. на территории страны было выявлено и уничтожено 444 гектара посевов наркосодержащих культур, то по итогам первого полугодия 2003 г. -1,6.

В ходе регулярно проводимой операции "Черный мак" с использованием вертолетной техники были выявлены и уничтожены посевы наркосодержащих растений на площади 15394 квадратных метра. Однако, несмотря на все эти меры, темпы роста числа больных наркоманией в 2004 г. составили 2,4%. Всего на учете в наркологических учреждениях состоят 22 319 больных, причем их число в 2004 г. увеличилось на 510 человек. Возраст большинства из них - от 18 до 40 лет.

Постоянный представитель ПРООН Фикрет Акчура отметил, что, по сравнению с другими странами с переходной экономикой, в Узбекистане такие ужасные явления, как наркомания и ВИЧ-СПИД, не получили широкого распространения. Поэтому Узбекистан отдельно в Докладе не упоминается.[2]

Государственная политика Республики Узбекистан в рассматриваемой области направлена на предотвращение использования территории государства с целью контрабанды наркотических средств, ликвидацию сырьевой базы наркобизнеса внутри страны, строгое выполнение международных обязательств по контролю за оборотом наркотических средств, обеспечение эффективной борьбы против незаконного оборота наркотиков, гарантированной медицинской помощи наркобольным, предупреждение и профилактику наркомании, а также пропаганду здорового образа жизни.[3]

Важнейшим направлением международных усилий сотрудничества в противодействии наркотикам, преступности и терроризму является активное содействие предупреждению и устранению причин, лежащих в их основе. Особое значение в этой связи приобретают скоординированные действия государств по ликвидации очагов напряженности, региональных и локальных кризисов и конфликтов. В Центральной Азии таким источником является Афганистан. Очевидно, что уже сегодня надо приступить к выработке широкой программы изучения и мирного обустройства сотрудничества с Афганистаном. Целесообразно на высоком экспертном уровне изучить вопрос занятости населения Афганистана, в настоящее время промышляющего производством и транзитом наркотиков.

Важно предусмотреть разработку

[1] См. Уголовный кодекс РУз., 1994 (с изменениями и дополнениями на 18.10.2001 года.)

[2] http://www.uza.uz/society/2003/6/13-print.shtml)

[1] ПОТОК НАРКОЗЕЛЬЯ РАСТЕТ. 11.03.2005 г. (Мадина Абдуллаева). ТАШКЕНТ, ВЕСТИ. См. http://www.vesti.uz/c/lenta.php?news=686

[2] Наркотики: предложение рождает спрос. 11.3.05 08:37 http://www.tpec.uz/modules/news/article.php?stoiricN179 TRIBUNE-uz

[3] Современные тенденции развития наркоситуации в Республике Узбекистан и Центральноазиатском регионе. http://www.ncdc.uz/Law/News_16_04_2004.htm

новых договоренностей конкретного практического характера, оказание государствам региона финансово-экономической, организационной, военно-технической, информационной, правовой и иной помощи. Следует широко задействовать просвещение, историю и культуру. Договорная база сотрудничества ЦА в этом направлении постоянно должна совершенствоваться.

Недопустимо забывать о массированной информационной войне, которую сегодня в регионе ведут противники мира и стабильности. Борьба с наркотиками, преступностью и терроризмом должна включать также своевременное и адекватное информационное реагирование.

Для достижения целей и решения приоритетных задач в борьбе с незаконным оборотом наркотических и психотропных средств необходима реализация комплекса мер в следующих основных сферах: злоупотребление наркотическими средствами и психотропными веществами; незаконный оборот наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров; установленный государством оборот наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров. Для этого можно предложить следующую градацию решения приоритетных задач:

1) постоянное совершенствование законодательной и иной нормативно-правовой базы, касающейся как незаконного, так и законного оборота наркотических и психотропных средств и ее эффективное применение;

2) более широкое и активное информирование населения с целью консолидации общества в борьбе с наркоманией и наркобизнесом;

3) установление контроля над оборотом наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, ограничение доступности наркотиков и их недопущение в нелегальный оборот;

4) налаживание сбалансированной, совместной деятельности всех заинтересованных министерств и ведомств;

5) усиление внимания правоохранительных органов не только к потребителям наркотиков, но и к организаторам и активным исполнителям наркобизнеса;

6) эффективное сотрудничество с правоохранительными, специальными и иными компетентными органами государств СНГ и других стран;

7) привлечение инвестиций, а также международной технической помощи в сфере борьбы с наркоманией и наркобизнесом.

Перемены, происходящие в мире, не только не избавили человечество от прежних негативных явлений, но усилили старые и породили новые риски и угрозы: международный терроризм, возрастающая организованная преступность, религиозный экстремизм, незаконный оборот оружия, наркотических средств, преступления с использованием высоких технологий. Поэтому сегодня недостаточно одного понимания и констатации общих угроз и вызовов. Должен быть сформирован механизм международного сотрудничества, максимально адаптированный к реальной ситуации.

Исходя из вышеизложенного можно сделать вывод, что глобальные процессы не обошли стороной регион Центральной Азии и стали причиной для роста и распространения взаимосвязанных проблем: терроризма, наркобизнеса и религиозного экстремизма. Эти проблемы можно решить только путем стимулирования и выработки многосторонних подходов, с использованием глобальных и региональных инструментов.

Э.И.Носиров,
Тошкент Молия институти катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

Халқаро қимматли қоғозлар бозори (ХҚҚБ) асосан трансмиллий корпорациялар ва йирик тижорат банкларига эга бўлган давлатлардан бошқа давлатларга кенг тарзда капитал оқимининг кучайиши натижасида шаклланди ва ривожланиб борди. Илмий-техника тараққиётининг кучайиши, янги йирик сармояларни талаб этувчи лойиҳаларни амалга оширишга бўлган иштиёқ ва давлатлар ўртасида интеграция жараёнининг ривожланиши натижасида бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун турли давлатлар капиталидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши, бир қанча давлатларда ягона валютанинг жорий қилиниши, банк иши ва биржа фаолиятидаги янги ютуқлар ХҚҚБ ривожланишини янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда, расмий статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида 150 дан ортиқ фонд биржалари мавжуд бўлиб, улардан ўн иккитаси энг йирик биржалар сифатида ХҚҚБнинг асосини ташкил этади[1]. Булар: Нью-Йорк, Лондон, Токио, Франкфурт-на Майне, Тайвань, Сеул, Цюрих, Париж, Чикаго, Куала-Лумпур, Гонгконг, Истанбул фонд биржаларидир.

XXI асрнинг бошига келиб, ХҚҚБ ривожланишида бир қатор ўзига хос тенденциялар юзага келганлиги кўзга ташланади. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. ХҚҚБда капитализация кўрсаткичининг жуда юқори даражасига эришилди. Мазкур кўрсаткич бўйича энг юқори даража биринчи марта 1999 йилда қайд этилди ва у 25 трлн. АҚШ долларини ташкил қилди. Агар ушбу ҳолатни ўтган даврларга нисбатан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 1990 йилда 9,3 трлн. долларни ташкил қилган эди. Капитализация ҳажмининг ўсиши, асосан, ривожланган хорижий давлатлар қимматли қоғозлар бозорларининг (ҚҚБ) капитализация даражаси ўсиши ҳисобига юз берган ва 1999 йилда жами капитализация ҳажмининг 92 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган.

ХҚҚБда капитализация даражаси бўйича биринчи ўринда АҚШ ҚҚБ туради. Масалан, жуда юқори кўрсаткич қайд этилган 1999 йилда АҚШ бозорлари ҳиссасига

[1] Қаранг: И.Г. Доронин. Мировые фондовые рынки: закономерности развития и современное состояние//Деньги и кредит, №8-2002.-с. 49

ХҚҚБдаги жами капитализациянинг 50 фоизи тўғри келган. Ҳолбуки, 1990 йилда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошмаган эди. Капитализация даражаси жиҳатидан иккинчи ўринни Ғарбий Европа мамлакатларининг ҚҚБлари, учинчи ўринни эса Япония ҚҚБлари эгаллайди. Бу борада 1999 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари ҚҚБларининг ХҚҚБининг капитализация ҳажмидаги салмоғи 31 фоизни, Япония бозорлариники эса 11 фоизни ташкил қилди.[1]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ХҚҚБидаги талабнинг таркибида жиддий ўзгаришлар юзага келди. Хусусан, 80-йилларга келиб, институционал инвесторларнинг, яъни нафақа фондлари, суғурта фондлари ва компанияларининг халқаро бозорлардаги фаоллиги кучайди. 80-йилларга қадар, ХҚҚБда асосий инвесторлар сифатида фақат инвестиция банклари ва инвестиция компаниялари иштирок этар, институционал инвесторларнинг фаоллиги эса унчалик кўзга ташланмас эди.

Ҳукумат қимматли қоғозларининг даромадлилик даражасининг пасайиши, тижорат банклари депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг паст эканлиги хусусий секторга мансуб корхоналар ва аҳолининг акцияларга бўлган талаби кучайишига олиб келди. Ўз навбатида, компанияларнинг аксарият қисми ўз эътиборларини хусусий инвесторларга қаратмоқдалар. Улар чиқараётган акцияларининг паст номинал қийматидан фойдаланиб, ўз акциядорларининг сонини оширмоқдалар. Янги технологияларнинг ва, биринчи навбатда, Интернет тизимининг кенг кўламда жорий этилиши ушбу жараённинг янада чуқурлашувига олиб келмоқда. Натижада хусусий шахслар компанияларнинг акцияларини сотиб олиш ва сотишга, буюртмаларни ўзларининг электрон брокерларига узатиш имкониятига эга бўлдилар. Ўз навбатида, электрон брокерлар эса буюртмаларни ўз вақтида савдо тизимига узатадилар.

Ғарбий Европада хусусий инвесторларнинг сони 1999-2001 йилларда 4 мартага ўсди. АҚШда эса аҳолининг 55 фоизи фонд бозорларининг иштирокчилари ҳисобланишади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич XX асрнинг 50-йилларида 5 фоизни ташкил этар эди.

ХҚҚБининг капитализация даражасига бевосита таъсир қилаётган асосий омиллардан бири қимматли қоғозлар таклифидаги жиддий ўзгаришлар ҳисобланади. Бунда асосий ўзгариш сифатида хусусий шахсларга тегишли компанияларни акциядорлик компанияларига айлантириш жараёнининг кучаяётганлигини қайд этиш мумкин.

Корхоналар мулк шаклининг фаол тарзда трансформация қилинаётганлиги улар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашаётганлиги билан изоҳланади. Рақобатнинг кескинлашуви эса корхоналар фаолиятини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун қўшимча молиявий маблағларни жалб этишни зарур қилиб қўяди. Ушбу жараён Ғарбий Европада евро муомалага киритилгандан сўнг кескин кучайди. Агар 1993 йилда Ғарбий Европа бозорларида қимматли қоғозларнинг 200 та бирламчи жойлаштирилиши амалга оширилган бўлса, 1997-2000 йилларда унинг йиллик ҳажми 500 тадан ортиқ миқдорни ташкил қилди. Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ғарбий Европанинг ҚҚБи ушбу кўрсаткич бўйича АҚШдан орқада қолмоқда.

2. **ХҚҚБ инфратузилмасида сезиларли ўзгаришларнинг юзага келганлиги.** Ҳозирги вақтда халқаро бозор институтлари ўртасида мижоз учун рақобат кураши кучаймоқда. Бу ҳолатнинг исботи сифатида бозорнинг профессионал иштирокчилари сонининг тобора ошиб бораётганлиги етарли асос бўла олади.

XX асрнинг 80-йилларида Англияда SEAQ International юзага келди. Бу нафақат инглиз корхоналарининг акцияларини, балки улар билан бирга бошқа европалик, америкалик ҳамда япониялик эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар олди-сотдисини ташкил этиш мақсадида вужудга келган дилерлик бозори ҳисобланади. Ундан кейин Брюсселда юқори технологияли компаниялар акцияларининг олди-сотдиси амалга ошириладиган Европа савдо тизими - ESDAQ юзага келди.

XX асрнинг 90-йилларида муқобил савдо тизимлари - INSTINET ва TRADEPOINT юзага келди. Буларнинг биринчиси лицензияли брокер-дилер бўлса, иккинчиси Англиядаги лицензияли инвестиция биржаси ҳисобланади. 90-йилларнинг иккинчи ярмида электрон коммуникация тармоғи - Electronic communications networks юзага келди. Ушбу тизим АҚШнинг анъанавий биржа хизматларидан қониқмаган инвестиция компанияларининг ташаббуси ва иштироки билан юзага келди.

ХҚҚБининг юқорида қайд этилган профессионал иштирокчилари ва уларга хизмат кўрсатувчи коммуникация тизимларининг ривожланиши пировард натижада улар ўртасидаги рақобат муҳитининг кескинлашувига олиб келди. Бунинг оқибатида кўрсатилаётган хизматлар учун олинадиган тўловларнинг камайиши юз берди. Улар мижозларга анъанавий биржалар ёпилгандан кейин ҳам савдо қилиш имконини яратади, инвестициялаш учун турли хилдаги инструментлардан фойдаланишни таклиф қилади ва котировкаларнинг сир тутилишини кафолатлайди.

2000 йилнинг бошига келиб, Ғарбий Европадаги барча йирик фонд биржалари тўлиқ электрон биржаларга айланди. Бу эса, ўз навбатида, савдо иштирокчилари сонини кескин ошириш, савдо чиқимларини камайтириш имконини берди.

Бир қатор мамлакатларда фонд биржалари ўзларининг рақобат позицияларини мустаҳкамламоқда. Бу ҳолат молиявий бозорларнинг хизматларидан фойдаланувчилар учун бир неча хизмат турларининг бир жойда марказлаштирилаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Париж, Амстердам, Франкфурт, Хельсинки, Брюссель биржалари бирламчи ва иккиламчи бозорларни, ҳосила инструментлари бозорларини, клиринг ва ҳисоб-китобларни бирлаштиради.

ХҚҚБининг инфратузилмасидаги иккинчи жиддий ўзгариш биржа иттифоқларини тузиш жараёнларининг бошланганлиги ва

[1] Қаранг: И.Г. Доронин. Мировой финансовый рынок - на пороге XXI века // Деньги и кредит. - №5, 2000. – с.54-55

унинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги ҳисобланади.

Биржа иттифоқларини тузиш йўлидаги дастлабки қадам 1997 йилда Бенилюкс биржасини тузиш орқали қўйилди. Ушбу биржани тузиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бир вақтнинг ўзида учта биржага кросс-аъзолик ҳуқуқини таъминлади. Ҳамкорлик ҳосила инструментлари бозорларига (форвард, фьючерс, опцион бозорлари), клиринг ва ҳисоб-китоблар жараёнига ҳам тарқалди.

1998 йилдан бошлаб Ғарбий Европанинг етакчи фонд биржаларини бирлаштириш ва ягона умумевропа биржа бозорини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Аммо ҳозирча бу борада сезиларли муваффақиятларга эришилмади. Дастлабки 300 та йирик европалик эмитентларнинг акциялари савдосининг ягона техник платформасини яратиш, инвесторлар ва воситачиларга бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри кириш имконини таъминлаш ғоясини амалиётга татбиқ этишнинг уддасидан чиқилмади. Бунинг ўрнига ҳар бир инвестор ва воситачига битта биржанинг ўзида бошқа савдо майдончаларига кириш имконини бериш тизими юзага келтирилди. Албатта, бу ҳам ўзига хос ютуқ ҳисобланади, аммо уни сезиларли ютуқ сифатида баҳолаб бўлмайди. Бунинг боиси мазкур тизим орқали савдо чиқимларини сезиларли даражада камайтириб бўлмаслигидадир.

2000 йилнинг бошига келиб, Франкфурт халқаро фонд биржаси ўзининг номини "EUROBOARD" қилиб ўзгартиришини ва унинг савдо жараёнига Германиядан ташқари давлатлардаги инвестиция банкларининг акцияларини жалб этишини маълум қилди. Аммо, бизнинг фикримизча, Франкфурт биржаси раҳбариятининг бу қарори Ғарбий Европа биржаларини бирлаштириш жараёнига салбий таъсир қилди. Чунки 2000 йилнинг март ойида Ғарбий Европадаги учта фонд биржаси - Амстердам, Париж ва Брюссель ягона савдо тизимини, яъни Euronextни яратишларини эълон қилди. Шуниси характерлики, муайян бир фонд биржаси биржа хизматларини кўрсатишнинг маълум бир турига ихтисослашмоқчи, масалан, Париж фонд биржаси акциялар, Амстердам биржаси ҳосила инструментлари, Брюссель биржаси эса унча катта бўлмаган компанияларнинг акциялари билан савдо қилади. Демак, Франкфурт фонд биржасининг қарорини ушбу биржа раҳбариятининг Европа қитъасида мустақил савдо платформасига айланиш сифатидаги уриниши тарзида баҳолаш мумкин.

Айни вақтда, АҚШнинг биржадан ташқари савдо тизими - NASDAQ глобал аҳамиятга эга бўлган ХҚҚБга айланиб бормоқда. У Америка ҚҚБда муваффақиятли тарзда фаолият юритиш билан бирга, жаҳоннинг 10 та йирик фонд биржасидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

NASDAQ акциялар савдосининг ҳажми ва ўсиш суръати бўйича Нью-Йорк фонд биржасини ортда қолдирди. Масалан, 1999 йилда унда Нью-Йорк фонд биржасига нисбатан 8,9 трлн. доллар миқдорида ортиқча акциялар савдоси бўлди. Бу эса 1998 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 22 фоизга кўп демакдир.

NASDAQнинг истиқболли йўналишларидан бири шундаки, у Европа ва Японияда АҚШдаги каби савдо майдончаларини юзага келтирмоқчи. Бу йўналишда сезиларли ютуқлар мавжуд. Хусусан, Интернет технологияси базасида Японияниng етакчи интернет-инвестиция компанияси бўлган Softbank билан NASDAQ ўртасида шартнома мавжуд бўлиб, ушбу шартномага асосан, NASDAQ-Japan тизими яратилди. Мазкур савдо майдончасига нисбатан 3100 япон компанияси қизиқиш билдирди. Ўз навбатида, япониялик инвесторлар 5000 га яқин Америка компанияларининг акцияларини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ХҚҚБда ривожланаётган давлатларнинг иштироки сустлигича қолмоқда. Масалан, 1990 йилда халқаро фонд бозорининг капитализация ҳажмида ривожланаётган давлатлар бозорларининг салмоғи 5 фоизни ташкил қилган, 1999 йилда бу кўрсаткич атиги 3 пунктга ошган.

Ривожланаётган давлатларнинг халқаро фонд бозорларидаги иштирокининг заифлиги бу борада илмий тадқиқот олиб борган етакчи иқтисодчи олимларнинг, хусусан, Я. Миркин, Эд. Долан, П. Самуэльсон, С. Фишерларнинг фикрига кўра, қуйидаги уч асосий омил билан изоҳланади:

а) ривожланаётган давлатларга қилинган инвестицион қуйилмалардан олинадиган даромад кўзда тутилган даражага эга бўлмаганлиги;

б) молиявий ва валюта инқирозлари таъсирида ривожланаётган давлатлар молия бозорларида нобарқарорлик даражасининг кучаяётганлиги;

в) ривожланаётган давлатлар молия бозорлари инфратузилмаси ривожланмасдан қолаётганлиги.

3. Универсал тижорат банклари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши капиталларнинг молия бозорларида марказлашувига олиб келди. Халқаро молия бозорларини ривожлантиришда тижорат банкларининг, айниқса, универсал тижорат банкларининг роли каттадир. Ҳозирги вақтда халқаро ҳисоб-китоблар Банкининг расмий маълумотига кўра, етакчи индустриал давлатларнинг бозорларидаги молиявий операцияларнинг 50 фоизга яқини ўнта йирик тижорат банкининг ҳиссасига тўғри келади. Мазкур банклар ўзларининг кўп сонли филиаллари орқали дунёнинг барча қитъаларида фаолият юритадилар ва, биринчи навбатда, ХҚҚБнинг шаклланиши ва ривожланишига кучли ва бевосита таъсир кўрсатадилар. Ҳозирги вақтда ХҚҚБда ликвидли маблағларнинг сезиларли қисми тўпланган. Хусусан, Лондон, Нью-Йорк, Токио фонд биржаларида молиявий активлар билан амалга ошириладиган халқаро операцияларнинг 56 фоизи тўпланган.

Универсал тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолатлар ва молиявий оқимлар тўғрисида бой ва кенг қамровли маълумотларга эга. Бу эса мижозларга қимматли қоғозлар билан боғлиқ асосий хизмат турларини кўрсатиш имконини беради.

Мижозларнинг топшириғига кўра, универсал тижорат банклари томонидан бажариладиган операцияларнинг 20 фоизи ҚҚБнинг профессионал иштирокчилари бўлган мижозларнинг, яъни инвестиция

компаниялари ва фондлари, суғурта компаниялари, нафақа фондлари, брокерлик компаниялари, венчур фондларининг операцияларига тўғри келади. Фақат универсал тижорат банкларигина ушбу тоифадаги мижозларнинг молиявий эҳтиёжларини қондиришга қодирдир. Ихтисослаштирилган тижорат банкларининг молиявий имкониятлари сезиларли даражада чекланганлиги сабабли улар ҚҚБнинг профессионал иштирокчиларининг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайдилар.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, универсал тижорат банк иши биринчи марта Бельгияда 1822 йилда "Сосьете Женерал де Бельжик" банкининг ташкил этилиши билан юзага келди. Мижозларнинг универсал тижорат банкларига бўлган ишончи ва уларнинг афзаллиги универсал банкларнинг кўпайиши натижасида ҳосил бўлди. Дунёда иккинчи универсал тижорат банки 1852 йилда Францияда ташкил этилди ва у "Кредит Мобильер" деб аталди. 1860 йилга келиб, бундай тижорат банклари Италия ва Испанияда пайдо бўлди. Германияда дастлабки универсал тижорат банклари бўлиб 1870 йилда ташкил этилган "Дойче Банк" ва "Коммерцбанк" ҳисобланади.

Японияда универсал тижорат банкларининг пайдо бўлиши 1870 йилдан бошланади. Чунки бу вақтда Мицуи каби анъанавий савдо уйларига акционерлик банкларини очиш учун рухсат этилди. У "Дзайбацу" конгломератлари ташкил этилиши муносабати билан янада ривожланди. Бунинг боиси шундаки, ушбу конгломератларда саноат, савдо ва банк ишини ривожлантиришга нисбатан кучли қизиқиш ва манфаатдорлик мавжуд эди. 1920 йилдан кейин "Дзайбацу"ларнинг молиявий қудрати янада ошди ва бу ҳолат универсал тижорат банкларининг фаолиятига ижобий таъсир қилди.[1]

АҚШда Буюк Депсиниш бошлангунга қадар штатларнинг лицензиясига эга бўлган тижорат банклари универсал тижорат банклари сифатида фаолият юритардилар ва андеррайтинг, яъни корпоратив қимматли қоғозларни жойлаштириш билан шуғулланар эдилар. Буюк Депсинишдан кейин АҚШда тижорат банк иши ва инвестицион банк иши бир-биридан кескин ажратиб қўйилди.

Тижорат банкларининг ХҚҚБдаги операцияларининг асосий объектлари бўлиб, корпоратив қимматли қоғозлар, ҳукуматларнинг хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозлари ва ҳосила инструментлари ҳисобланади.

Миллий корпоратив ҚҚБнинг эркинлаштирилиши ХҚҚБдаги улар билан боғлиқ операциялар ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди. Мазкур инструментлар билан амалга ошириладиган халқаро операцияларнинг ривожланиши жаҳон валюта бозорининг институционал ва ташкилий таркибига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. XX аср 90-йилларининг охирига келиб, Ғарбий Европа фонд биржаларидаги корпоратив қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг 15 фоизи европалик бўлмаган эмитентлар томонидан чиқарилган акциялар ҳиссасига тўғри келди.

[1] Қаранг: Я.М. Миркин. Ценные бумаги и фондовый рынок.-М.: Перспектива, 1995.-с400

Тижорат банкларининг корпоратив қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялари ичида корпоратив облигациялар ўзига хос ўринни эгаллайди.

Корпоратив облигацияларга хос бўлган икки муҳим хусусият мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

а) инвесторга қатъий белгиланган фоизда барқарор даромад келтиради;

б) сарфланган капитал қийматининг сезиларли даражада ўсиши юз беради.

Шуниси характерлики, облигацияларнинг курслари ва кредитларнинг бозор ставкалари ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Кредитларнинг бозор ставкалари ошса, қимматли қоғозларнинг курси пасаяди ва, аксинча, кредитларнинг бозор ставкалари пасайса, қимматли қоғозларнинг курси кўтарилади.

Корпоратив облигациялар бозори фоиз ставкалари билан ҳаракатланади. Бошқача қилиб айтганда, фоиз ставкаларининг тебраниши мазкур бозордаги асосий омил ҳисобланади. Ушбу ставкалар нафақат инвесторнинг жорий даромади миқдорига, балки облигация эгасининг капитали ўсишига ҳам бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам облигацияларнинг фоиз ставкалари инвесторларнинг доимо диққат эътиборида турадиган омил ҳисобланади.

Халқаро фонд биржаларида котировка қилинадиган корпоратив қимматли қоғозларнинг учинчи тури корпоратив тижорат қимматли қоғозларидир.

Тижорат қимматли қоғозлари таъминланмаган қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Шу сабабли халқаро фонд биржаларида фақатгина юқори репутацияга эга бўлган эмитентларнинг тижорат қимматли қоғозлари сотилади. Айрим компаниялар тижорат қимматли қоғозларининг сотилишини тезлаштириш ва бозор баҳосига ижобий таъсир қилиш мақсадида уларни тижорат банкларининг кредит линиялари билан ёки суғурта ташкилотларининг кафолатлари билан таъминлайдилар.

АҚШда тижорат қимматли қоғозлари одатда 45 кун муддатга чиқарилади. Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича ҳукумат Ҳайъатининг қайд этиш талабларидан қочиш мақсадида ушбу қимматли қоғозларнинг қоплаш муддати 9 ойдан ошмаслиги лозим. Тижорат қимматли қоғозлари 25000, 50000, 100000, 250000 ва 1000000 лик номинал қийматга эгадир.

Ҳукумат қимматли қоғозлар бозорининг кўплаб мамлакатларда эркинлаштирилиши халқаро фонд биржаларида улар билан боғлиқ операциялар ҳажмининг ўсишига сабаб бўлди. 2000 йилда ҳукумат қимматли қоғозларининг халқаро молиявий активлар ҳажмидаги салмоғи 35 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 1980 йилда 18 фоизни ташкил қилар эди.[1]

Тижорат банкларининг ХҚҚБдаги операцияларининг учинчи асосий объекти ҳосила инструментлари ҳисобланади. Ҳосила инструментлари билан боғлиқ операцияларнинг асосий қисмини опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар ташкил этади.

[1] Қаранг: И.Г. Доронин. Мировые фондовые рынки: закономерности развития и современное состояние//Деньги и кредит - №8, 2002.-с.55

ХҚҚБнинг ривожланиш тарихида биринчи марта 2000 йилда опцион шартномалари суммаси фьючерс шартномалари суммасидан катта бўлди ва ҳосила инструментлари бозорида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллади.

Стандарт опцион шартномалари билан биржада савдо қилиш биринчи марта 1973 йилнинг апрель ойида Чикаго фонд биржасида амалга оширилган эди. Бунда 16 акция бўйича уч хил муддатга кол опционлар жорий этилган эди. 1975-1976 йилларда кол опционлар билан савдо қилиш АҚШнинг бошқа фонд биржаларида ҳам жорий этилди.

1996 йилда халқаро қимматли қоғозлар бозорида акцияга қилинган опционлар савдосининг умумий ҳажми 286,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 1999 йилга келиб эса бу кўрсаткич 700,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.[1]

Шуниси характерлики, биринчидан, опционлар юқори рискли инструментлар тоифасига киради; иккинчидан, у инвесторларга активлар портфелининг даромадлилик даражасини барқарорлаштириш имконини беради.

Фьючерслар ҳозирга қадар халқаро фонд бозорларида юқори салмоқни эгаллайди. Аммо уларнинг опционга нисбатан инвесторлар учун фойдалилик даражаси паст. Масалан, инвесторлар учун фьючерслар бўйича мажбуриятларни бажариш мажбурий ҳисобланади, опционлар бўйича эса ихтиёрийдир. Иккинчидан, фьючерсларда таъминланмаган фьючерс шартномалари бўйича риск даражаси чегараланмаган. Учинчидан, бир қатор етакчи мамлакатларда фьючерс операциялари бўйича чекловлар мавжуд. Масалан, АҚШда акцияга қилинган фьючерслар билан савдо қилиш Шэд-Жонсон қонунига кўра таъқиқланган.

Хулоса қилиб айтганда, ХҚҚБ юқори ликвидлилик хусусиятига эга бўлган халқаро молия бозорининг таркибий қисми бўлиб, у доимий ўзгаришдадир. ХҚҚБ ривожланиши бевосита универсал тижорат банклари фаолиятига ҳам боғлиқ бўлиб, банклар қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифни шакллантирувчи асосий иштирокчилардан бири саналади.

ХҚҚБ ривожланишида юзага келган тенденциялар халқаро муносабатлар, хусусан, халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишидаги янги ва ўзига хос йўналишнинг маҳсули ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банкларининг ХҚҚБга чиқиши ва банкларнинг мазкур бозордаги фаолиятининг иқтисодий аҳамияти алоҳида муаммоли мавзудир.

[1] Қаранг: К.В. Пензин. Биржевые опционы-теория и международная практика// Деньги и кредит. - №, 2002.-с.66.

Б.Б.Ражабов,
ЖИДУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИНИНГ ДИНАМИКАСИ (1992-2003 ЙИЛЛАР)

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси, яъни экспорт ва импорт мустақилликдан сўнг қандай ўзгариб борди, ташқи савдо сиёсати мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қандай йўналтирилди ва бу соҳада қандай натижаларга эришилди, - ушбу саволларга жавоб беришимиз учун Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасининг мустақиллик йилларидан то бугунги кунга қадар бўлган динамикасини ва унинг ўзгаришига таъсир этган омилларни чуқур ўрганишимиз зарур.

Иқтисодимиз ташқи савдо айланмасининг динамикасини шартли равишда 1991 йилдан 1994 йилгача, 1995 йилдан 1998 йилгача, 1999 йилдан 2001 йилгача ва, ниҳоят, 2001 йилдан 2004 йилга қадар бўлган даврларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1-Диаграмма. 1992-2003 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг динамикаси[1].



Биринчи босқич (1991-1994 й.)

Собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши натижасида мамлакатимизда бу даврда саноат ҳамда истеъмол маҳсулотларига бўлган талаб қондирилмас, бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёж эса тобо-

[1] "Экспорт-Импорт 2003", Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг бюллетени, 2003 йил. 3-12 бетлар.

ра ошиб бораётган эди. Шу сабабли мамлакатимизда импортни раҳбатлантириш сиёсати йўлга қўйилди. Бу даврда импортга бож тўланмас, экспорт лицензиялари ҳамда квоталари 71 ҳолатдагина берилар эди; шунингдек, бу даврда хом ашё экспортининг алоҳида турлари учун божхона тўловлари йўлга қўйилган эди.

Бу давр мобайнида импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш раҳбатлантирилиб, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга эътибор берила бошланди. Собиқ иттифоқ тузумидан мерос бўлиб қолган ташқи савдо монополиясига чек қўйилди ва ташқи савдо сиёсатининг бозор иқтисодиётига асосланган янги механизми ишлаб чиқила бошланди. Шунингдек, ташқи савдо сиёсатини юргизишнинг қонуний ва ҳуқуқий пойдевори яратилди, корхоналарнинг ташқи бозорга мустақил чиқишлари ва у ерда фаолият юритишлари учун замин яратилди, хорижий инвесторлар учун кафолатлари асосда белгилаб қўйилди.

Иккинчи босқич. 1995-1998 йиллар мобайнида мамлакатимизда маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш сиёсати олиб борилди. 1995 йилдан эътиборан ташқи савдо сиёсатининг нотариф бошқарув усулларидан тарифли бошқарув усулларига ўтилди, импорт тарифлар асосида бошқарила бошланди. 1996 йилга келиб лицензияланадиган ва квоталанадиган маҳсулотлар 4 гуруҳгача қисқартирилди: пахта, буғдой, рангли металлар ва ёқилғи-иссиқлик энергияси; экспортнинг энг юқори божи 40% этиб белгиланди, шунингдек жами 1/3 маҳсулот гуруҳларига экспорт божи олиб ташланди. Экспорт қилувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари берила бошланди. 1997 йилга келиб, Ўзбекистон асосий экспорт маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари тушиши натижасида, ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръатлари бирмунча пасайди (қаранг: 1-диаграмма). Жаҳон бозоридаги Ўзбекистон экспорт маҳсулотларининг нархлари тушиши натижасида экспорт тушумлари камайди ва тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобида салбий ўзгариш рўй берди. Ушбу салбий ҳолатлар Шарқий Осиёда (1997 йил ўрталари) ва Россияда (1998 йил август) рўй берган молиявий кризислар оқибатида иқтисодиётга янада кўпроқ зарар етказди. Пахта толасининг жаҳон бозоридаги нархлари 1996 йилда 16% га, 1997 йилда 14% га ва 1998 йилда 8,5% гача тушиб кетди. Ўзбекистон ташқи савдосининг бу даврда жаҳон бозорлари коньюнктураси ўзгаришига бу қадар кучли боғланганлигига сабаб – экспортимизнинг 70% дан ортиғи хом ашё маҳсулотларига тўғри келар эди. Маълумотларга қараганда, 1998 йилда нефт, пахта ва қимматбаҳо металлар нархларининг тушиши оқибатида мамлакатимиз 170-180 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган [2].

Экспортнинг тушишига олтин бозоридаги салбий ҳолатлар ҳам сабаб бўлди: 1997-1998 йиллар ичида олтиннинг нархи деярли 40% га тушиб кетди. Шунга қарамасдан бу давр мобайнида ташқи савдони эркинлаштириш сиёсати давом этди. Импортнинг энг юқори бож тўловлари 30% даражасида белгилаб қўйилди, 65 маҳсулот гуруҳлари учун импорт божлари ўрнатилди. Бу гуруҳга кирмаган маҳсулотларга 3% ли бож тўлови ўрнатилди. Бундан ташқари импорт маҳсулотлари сифат кўрсаткичларининг назорати кучайтирилди.

Учинчи босқич (1999-2001 й.) 1999 йилдан бошлаб экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсати натижасида ижобий ўзгаришлар астасекин кузатила бошлади. Бу даврда халқаро маҳсулотларни кодлаш ва сифатлаш тизимига асосланган Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг Маҳсулот Номенклатураси амалга киритилди (1996 йилги нусхаси), қатор истеъмол маҳсулотларига импорт тўловлари олиб ташланди, жумладан, чорва, парранда, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, чой ва чой хом ашёси, буғдой, фармацевтика маҳсулотлари, тери ва тери хом ашёси ва бошқа маҳсулотлар импорт тўловидан озод этилди. Эркин савдо худудини яратиш тўғрисидаги битимни имзолаган давлатлардан, яъни Озарбайжон, Арманистон, Белорусия, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Россия, Украина, Тожикистон ва Туркманистондан импорт тўлови олинмайдиган бўлди [2].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2000 йил ўрталарига келиб, валюта бозорини эркинлаштиришда жиддий қадам қўйилди: Марказий Банкнинг расмий курсидан 2 марта юқори бўлган тижорат курси ўрнатилди. 2001 йилдан эътиборан биржа бозоридан ташқарида республика ичида валютага бўлган талаб ва таклифга асосланган эркин курс ўрнатилди.

Тўртинчи босқич (2001 йилда бошланган)

2001-2003 йилларда мамлакатимизда экспортни ошириш ва импортни чеклаш учун кескин чора-тадбирлар кўрилди, чунки бу даврга келиб валютанинг четга ноқонуний чиқиб кетиш хавфи кучайган эди. Бошқа томондан мамлакатимизнинг ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш, наркотик моддалар, қурол-яроқлар ҳамда терроризмнинг мамлакатимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида чегараларимиз мустаҳкамланди.

Истеъмол маҳсулотларининг ялпи импортдаги улуши сўнгги йиллар мобайнида анча қисқарди: агар 1992 йилда бу кўрсаткич жами импортнинг 36,8% ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 12,3% ни ташкил этди. Ялпи импортнинг қисқаришига ғалла мустақиллигига эришганлигимиз ва ёқилғи-энергетика маҳсулотлари импортининг салмоқли даражада қисқариши сабаб бўлди. Агар 90-йиллар бошида ёқилғи-энергетика маҳсулотлари импортининг улуши 25% дан кўпроқни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 3-4% дан ошмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган машина ва асбоб-ускуналарнинг ялпи импортдаги улуши, аксинча, тобора ортиб бормоқда: бу кўрсаткич 1992 йилда 9,2% бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 35,4 % ни ташкил этди [2].

Натижада импорт ҳажмини бир маромда ушлаб туришга эришилди, бир вақтнинг ўзида экспорт аста-секин ўса бошлади. Ниҳоят, 2003 йил октябр ойига келиб, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертацияси амалга киритилди, яъни шу ойдан эътиборан мамлакатимиздаги барча резидент ва норезидентлар миллий валютамизни, сўмни, исталган хорижий валютага алмаштириш имкониятига эга бўлдилар.

2003 йилда ташқи савдо айланмасининг кескин кўтарилиши юз берди. Ташқи савдо сальдоси 2002 йилда 276,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 760,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди [2]. Қуйидаги жадвалда ташқи савдо балансидаги ижобий ўзгаришлар келтирилган:

1-жадвал. 2002-2003йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари ҳисобида)[1].

Модда номи	*2002 йил*	*2003 йил*
Экспорт	2.988,4	3.725,0
Шу жумладан МДҲ давлатлари	823,5	969,2
Хорижий давлатлар	2.164,9	2.755,8
Импорт	2.712,0	2.694,2
Шу жумладан МДҲ давлатлари	1.000,3	1.136,2
Хорижий давлатлар	1.711,7	1.828,0
Сальдо	+276,4	+760,8
Ташқи савдо айланмаси	5700,4	6419,2

[1] "Экспорт-Импорт 2003", Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг бюллетени. 2003 йил, 12-19 бетлар.

90-йилларнинг бошларида мамлакатимиз билан ташқи савдода ҳамкорлик қилаётган давлатлар асосан МДҲ давлатлари бўлган бўлса, бугунги кунга келиб хорижий мамлакатларнинг бу кўрсаткичдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Охирги йиллар давомида ялпи экспорт таркибидаги хом ашё улушини салмоқли даражада туширишга эришилди. Бугунги кунда анъанавий экспорт маҳсулотлари (пахта, рангли металлар, кимёвий маҳсулотлар ва бошқалар) қаторида енгил автомобиллар, микроавтобуслар, машина ва асбоб-ускуналар экспортининг улуши ортиб бормоқда. Экспортни рағбатлантириш сиёсати билан биргаликда ҳукуматимиз томонидан маҳаллий хом ашёга асосланган ишлаб чикаришга, экспорт маҳсулотлари хом ашёси таркибида маҳаллий хом ашё улушини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири технологик жараёни якунига етган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни нафақат ички бозорга, балки жаҳон бозорига ҳам рақобатбардош маҳсулотлар сифатида етказишдир.

2003 йилда охирги 5-6 йил ичида ташқи савдо айланмасининг дастлабки ижобий ўзгариши юз берди, шу йилда соф экспорт 2002 йилдагига нисбатан қарийб 3 марта ошди [2]. Бу каби ютуқлар яқин келажакда иқтисодиётимиз гуллаб - яшнашидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1."Экспорт-Импорт 2003", Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг бюлеттени. 2003 йил.

2.Широкая экономическая интеграция Узбекистана в мировое сообщество. Журнал "Экономическое обозрение" №1, 2004 г.

3.Официальное введение конвертации национальной валюты Республики Узбекистан. 24 ноября 2003 г. www.fera.uz. (официальный сайт Агентства Внешнеэкономических Связей Республики Узбекистан). 14:13:35 UZT

4.Uzbek president speaks of new opportunities for gas exports, currency. www.uzbekworld.com Wednesday, December 26, 2001, 21:21Z.

В.Н. Хошимов,
ЖИДУ доценти, ю.ф.н.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРДА КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАРНИ УНИФИКАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши ушбу соҳани тартибга соладиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Бундай тартиб-қоидалар давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни енгиллаштиради. Ягоналаштирилган тартиб-қоидаларга эришиш икки хил йўл билан амалга оширилади, яъни, биринчиси, муайян турдаги битимга нисбатан татбиқ этиладиган ягоналаштирилган коллизион нормалар тўғрисида келишув бўлса, иккинчиси, бундай битимларни мазмунан тартибга солишга қаратилган моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш бўлади. Халқаро муомалада кенг тарқалган олди-сотди шартномаларини тартибга солишга қаратилган моддий-ҳуқуқий нормаларни унификациялаш жараёни юқори даражада бажарилган[1], десак бўлади. Бироқ у ёки бу конвенция иштирокчиси бўлган бирон-бир давлатда бошқа мамлакат ҳуқуқини кўллашни белгилаб берадиган коллизион нормаларнинг унификациялаш жараёни жуда секин амалга ошмоқда[2].

Коллизион нормаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг ўзига хос тартибга солиш услуб ва йўналишлари мавжуд бўлиб, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишда миллий ва чет давлат қонунлари ўртасидаги коллизиянинг олдини олиш ҳамда шундай муносабатларга нисбатан татбиқ этиладиган у ёки бу мамлакат ҳуқуқини аниқлаш учун хизмат қилади.

Масалан, МДҲ давлатлари ташкилот ва фирмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг оммавий-ҳуқуқий жиҳатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосан божхона ва валютани тартибга солиш масалалари билан чекланган. Шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари эндигина ба-

[1] Венская конвенция ООН о договорах международной купли-продажи товаров. Комментарий. –М.: Юрид.лит., 1994; Раҳмонқулов Х.Р. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат, 2000; Розенберг М.Г. Международная купля-продажа товаров. –М.: Юрид.лит., 1995; Розенберг М.Г. Контракт международной купли-продажи. Современная практика заключения и разрешения споров. –М.: МЦФЭР, 1996; Зыкин И.С. Внешнеэкономические операции: право и практика. –М.: Межд.отношения, 1994.

[2] Лунц Л.А. Курс международного частного права. Общая часть. –М.: Юрид.-лит., 1973, стр. 103-107; Лунц Л.А. Внешнеторговая купля-продажа (коллизионные вопросы). –М.: Юрид.лит., 1972, стр.4-7; Богуславский М.М. Международное частное право. –М.: Межд.отношения, 1994, стр.54-55; Международное частное право. Отв.ред. О.Н.Садиков. –М.: Юрид.-лит., 1984, стр. 31-32; Международное частное право. Под.ред. Г.К.Дмитриевой. –М.: Проспект, 2003, стр. 374-377.

жарилмоқда. Савдо соҳасидаги моддий-ҳуқуқий нормалар 1992 йил 20 мартда қабул қилинган МДҲ давлатлари ўртасида ташишнинг умумий шартлари тўғрисидаги Битимда акс этган. Бироқ ушбу ҳужжатда 1988 йилги ташиш тўғрисидаги ҳужжатнинг таъсири акс этган бўлиб, у давлатлараро иқтисодий алоқаларга нисбатан татбиқ этиш учун қаратилгандир. Шу сабабли у эркин иқтисодий муомалада ҳал қилувчи таъсирга эга эмас.

МДҲ миқёсида ташқи иқтисодий битимлар соҳасидаги коллизион нормалар универсал ҳужжатлар доирасида белгиланмаган. Фақатгина 1993 йил МДҲ доирасида қабул қилинган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Конвенцияда ташқи иқтисодий битимлар соҳасида ягона коллизион тартиб-қоидаларни яратиш учун ҳуқуқий ҳамкорликни давом эттириш белгилаб қўйилган. Бу эса муҳимдир, чунки айниқса коллизион масалалар бўйича универсал конвенцияларни давлатлар томонидан ратификациялаш масалалари анча узоқ вақтни эгаллайдиган жараёндир.

Унификация жараёнининг шаклланиш тарихига назар ташласак, дастлабки унификация жараёни кўпроқ коллизион нормалар, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг унификациялаш билан боғлиқ бўлганлигини кўрамиз, бу эса ўз навбатида коллизиялар келиб чиқишини камайтиради ва кўп масалаларни тартибга солишнинг ягоналаштирилган йўлини яратади[1].

[1] Швед олими О.Ландо, Европа Иттифоқи давлатлари шартнома ҳуқуқи асосларини ишлаб чиқиш гуруҳи раҳбари, шундай дейди: коллизион нормаларни унификациялаш қуйидагича устунликларга эга: 1. Унификациялаш жамиятдаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади, чунки, ундаги қоидалар халқаро савдо муносабатларида қатнашадиган ташкилот ва фуқароларга қаратилгандир. 2. Коллизион нормаларнинг унификациялаш моддий-ҳуқуқий нормаларни унификациялашга қараганда анча оддийдир. 3. Унификациялашган коллизион нормалар татбиқ этиладиган бирон-бир қонунни аввалдан билиш имконини беради. Масалан, шартномада қатнашувчи тарафлар унификациялашган нормаларни қабул қилган мамлакатлар судига мурожаат қилишганда, қайси давлат қонуни татбиқ этилишини аввалдан билишлари мумкин. Lando O. European Contract Law. – International Contracts and Conflict of Laws. A Collection of Essays. Edited by Petar Sarcevic, M.Nijhoff, London/ Dordrecht/Boston, 1990, P.P. 1,2,4.

Халқаро олди-сотди шартнома муносабатлари соҳасида кўпроқ коллизион нормаларни унификациялашга эришилган.

Улардан биринчиси, 1955 йилда қабул қилинган, 1964 йил 3 майдан кучга кирган «Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ» тўғрисидаги Гаага Конвенцияси ҳисобланади. Ушбу конвенция коллизион нормалар унификация қилинган халқаро универсал конвенциялар орасида энг кўп қатнашчиларга эга. Конвенция ўзида биринчи бўлиб, қўлланиладиган ҳуқуқни танлашда тарафларнинг эрк мухторияти тамойилини белгилаган[2], яъни унинг 2-моддасида «олди-сотди муносабатлари тарафлар томонидан белгиланган давлат ички ҳуқуқи билан тартибга солинади. Бундай кўрсатма шартнома шартларида аниқ белгиланган бўлиши ҳамда унинг ҳолатларидан келиб чиқиши лозим». Конвенция нормаларида тарафларнинг у ёки бу мамлакат ҳуқуқини танлаши бирон-бир шарт билан чекланмаган, бироқ фақатгина у шартнома шартларида акс этиши лозим. Бошқача айтганда, конвенцияда белгиланган ушбу қоида қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга нисбатан тарафларнинг эрк мухториятини таъминлаб берадиган омил ҳисобланади[1]. Қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги тарафлар ўзаро келишувининг ҳақиқийлиги масаласига келсак, у конвенцияга биноан, тарафлар томонидан танланадиган ёки аниқланадиган ҳуқуқ билан белгиланади.

Тарафларнинг бундай келишуви мавжуд бўлмаган тақдирда, савдо муносабатларида буюртма қабул қилинган вақтда сотувчи доимий яшаш жойи ҳисобланган мамлакатнинг ички қонуни билан тартибга солинади. Агар буюртма сотувчининг ташкилоти томонидан қабул қилинган бўлса, у ҳолда ушбу ташкилот жойлашган мамлакатнинг ички қонуни билан тартибга солинади. (3-модда). Шунингдек, конвенцияда аукцион ва биржада бўладиган савдоларда ёзишма алмашинуви воситасида олди-сотди шартномасини тузишда ҳамда товарни кўздан кечириш ва назорат қилишда қўлланиладиган коллизион масалалар ҳам акс этган. Конвенцияда ундаги тартиб-қоидаларни аъзо давлатлар ички қонунларига татбиқ қилиш мажбурияти ҳам белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу конвенцияда биринчилардан бўлиб оммавий тартибни изоҳлайдиган норма акс этган (6-модда); унга, кўра қатнашувчи давлатлар, ушбу конвенциядан келиб чиқиб аниқланган ҳуқуқни, оммавий тартиб қоидаси остида қўлламасликлари ҳам мумкин. Худди шундай қоидани биз Гаага Конвенцияларида, Рим ва Мехико Конвенцияларида ҳам кўришимиз мумкин.

Айнан ушбу конвенция биринчи бўлиб мулк ҳуқуқини ўтиши ва товарни тасодифан йўқ бўлиш таваккаллиги каби масалаларни белгилаган. 1955 йилги Конвенция унификациялаш борасидаги биринчи тажриба ҳисобланади. Ушбу конвенция ҳозиргача уни ратификация қилган мамлакатларда фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, унинг қоидалари, авваламбор, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси доирасида коллизион ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга, кейинчалик эса, БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссияси-ЮНСИТРАЛ доирасида ўзининг муҳим таъсирини ўтказганлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчи халқаро ҳужжат, бу 1958 йил 15 апрелда қабул қилинган «Товарлар олди-сотдисида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланиладиган

[1] 1986 йилдаги Гаага Конвенциясининг 7-моддаси: тарафларнинг татбиқ этиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги келишуви шартнома шартларида ва тарафларнинг ҳаракатларидан келиб чиқиши ва аниқ белгиланган бўлиши лозим; 1978 йилги Гаага Конвенцияси 5-моддаси: татбиқ этиладиган ҳуқуқ тарафлар ўртасида аниқ белгиланишидан ташқари, шартнома шартларидан ва иш ҳолатидан лозим даражада келиб чиқиши керак; 1980 йилги Рим Конвенциясида 1986 йилги Конвенция тартиб-қоидаларини такрорлаган ҳолда, ҳуқуқни танлаш шунингдек, иш ҳолатидан ҳам келиб чиқиши мумкин, деган қоидани белгилаган. Юқорида билдирилганларга қараганга нисбатан бошқача ҳолат эса, 1994 йилда қабул қилинган Мехико Конвенциясининг 9-моддасида қуйидагича белгиланган: тарафлар томонидан танланган ҳуқуқ деганда, «шартнома узвий боғланган мамлакат ҳуқуқи» тушунилади, бундай ҳуқуқни аниқлашда барча объектив ва субъектив омиллар эътиборга олиниши керак. Шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган халқаро тижорат ҳуқуқининг умумий тамойиллари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

[2] Татбиқ этиладиган ҳуқуқни танлашда тарафларнинг эрк мухторияти Бустаманте Кодексида ҳам белгиланган. Бироқ, таъсир этиш кўлами чекланганлиги нуқтаи-назаридан қараганда, биринчидан, ушбу Кодекс минтақавий унификацияни акс эттирган; иккинчидан, бирон бир шарт асосида қўшилишни белгилаган нормаларнинг кўплигидан чекланган ҳолда татбиқ этилган. Бироқ, қонун ижодкорлигини таъминлаган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бундан кейинги барча унификациялашган универсал конвенциялар, яъни 1978 ва 1986 йилги Гаага конвенциялари, минтақавий ҳисобланган 1980 йилги Рим конвенцияси, 1994 йилги Мехико конвенциялари ҳам тарафларнинг эрк мухторияти тамойилини акс эттирган.

ҳуқуқ» тўғрисидаги Гаага Конвенциясидир. Бу конвенция 1955 йилги Гаага Конвенциясини тўлдириш мақсадида ва шу конвенцияни ишлаб чиқишда келишувга эришилмаган, халқаро хусусий ҳуқуқда олди-сотди муносабатларининг мураккаб масалаларини ҳал этиш учун қабул қилингандир. Аниқроқ қилиб айтганда, сотилган товарга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтишини тартибга соладиган ҳуқуқ тўғрисидаги масаладир. Ҳозиргача конвенцияни Греция имзолаган, Италия уни ратификация қилган, бироқ кучга кирмаган. Конвенциянинг қўлланиш соҳаси 1955 йилги конвенциянинг қўлланиш соҳаси билан ўхшашдир.

1958 йилги конвенция тартибқоидаларини икки қисмга ажратишимиз мумкин: биринчиси, шартнома тарафлари ўртасидаги муносабатларда мулк ҳуқуқини ўтиши билан боғлиқ ҳолатларда татбиқ этиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалалари бўлса (2-модда), иккинчиси, учинчи шахс билан сотувчи ёки олувчи ўртасидаги муносабатларда пайдо бўлиши мумкин бўлган колизияларни ҳал этиш учун қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларидир (3-5-моддалар).

Биринчи қисмда тарафлар ўртасида айнан олди-сотди шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш тўртта ҳолатни ўз ичига олган: 1) сотилган буюмга нисбатан сотувчининг фойда олиш вақтигача бўлган даврни; 2)сотилган буюмга нисбатан сотувчининг таваккалчилигини ўз зиммасига олиш даври; 3) сотилган буюмга нисбатан сотувчининг унга етказилган зарарни қоплатишга бўлган ҳуқуқи даври; 4) мулк ҳуқуқининг сотувчида қолишини таъминлайдиган келишувнинг ҳақиқийлигини белгилайдиган ҳолатдир.

Ушбу конвенцияда, 1955 йилги конвенциядан фарқли ўлароқ, халқаро олди-сотди шартномаси тарафларининг учинчи шахс билан бўладиган муносабатларига нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқни аниқлашда яна бир коллизион боғловчи мавжудки, унга кўра буюм турган жой-мамлакат ҳуқуқига йўллаш масаласи белгиланган. Бу коллизион боғловчи асосида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши мумкин: биринчидан, олди-сотди шартномаси тарафларидан ташқари бошқа шахсга нисбатан сотилган мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг олувчига ўтиши. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқининг олувчига ўтиши, агар сотилган буюмнинг бирламчи даврда турган жой-мамлакатнинг ички қонун ҳужжатлари билан тан олинсагина амалга ошади; иккинчидан, сотувчи томонидан сотилган, ҳақи тўланмаган буюмга нисбатан олувчининг ҳуқуқига нисбатан кредитор қарши бўлса, имтиёз ва эгалик ёки мулк ҳуқуқини сақлаш масалалари, ёхуд мулк ҳуқуқини сақлаш тўғрисидаги келишув ёки шартномани бекор қилиш тўғрисидаги даъво масалалари муҳим жиҳатлардан ҳисобланади; учинчидан, сотилган буюмга нисбатан реал ҳуқуқ ёки мулк ҳуқуқи нуқтаи назаридан бўлган талаб қилувчига, ёхуд учинчи шахсга нисбатан олувчининг қарши бўлган ҳуқуқлари мумкинлиги масаласи билан боғлиқ ҳолатларни кўришимиз мумкин.

Агар бу ерда сотилган, бироқ ҳақи амалга оширилмаган буюмга нисбатан кредиторнинг олувчига нисбатан қарши ҳуқуқлари масаласига келсак, бундай муносабат шартномани мажбурий бажариш тўғрисидаги талаб ёки буюмни биринчи тарғиб қилиш вақтида ҳужжатлар тузилган давлатнинг ички қонунлари билан тартибга солинади. Шунга ўхшаш ёндашув 1958 йилда қабул қилинган Гаага конвенциясида белгиланган. Унга кўра, олди-сотди муносабатларида, агар хужжатлар буюмнинг сотилганлигини билдирса, у ҳолда мулк ҳуқуқини олувчига ўтганлиги, олувчининг шундай талаб қилиш вақтида кўрсатилган ҳужжатларни олган жой-мамлакат ички ҳуқуқи билан тан олинади.

Фикримизча, ушбу конвенциянинг ҳалигача кучга кирмаганлиги ҳар хил давлатлар ҳуқуқида мулк мақоми муаммолари, қарздорнинг мулки билан боғлиқ ҳолатларда банкротликни тартибга солиш масалалари бўйича юзага келадиган шартнома бўйича мулк ҳуқуқи ўтишининг ҳар хил тартибга солиниши билан боғлиқдир. 1958 йилда қабул қилинган бу конвенция ўзида кўпроқ ҳар хил давлатлар ҳуқуқида турли тартибга соладиган масалаларни ягоналаштирилган тарзда ҳал қилишга қаратилган уринишлар намунаси десак, муболаға бўлмайди. Юқорида кўрган муносабатларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган барча конвенцияларни таҳлил қилганимизда, бундай муаммони фақатгина 1980 йилда қабул қилинган «Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида»ги Вена конвенцияси белгиламаганлигини кўришимиз мумкин.

Учинчи бир халқаро ҳужжат бу–1978 йилда қабул қилинган «Воситачилик, вакиллик (Агентлик) шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида»ги Гаага Конвенциясидир.

Бирон-бир давлатда жойлашган юридик шахс ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши давомида бошқа бир мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъекти билан бевосита, тўғридан-тўғри шартнома тузиши ҳамда ўзининг хизматчиси бўлмаган ва чет элда яшайдиган фуқарони ўзининг агенти сифатида ёллаб, у орқали фаолият юритиши ҳам мумкин. Юридик шахс билан агент ўртасидаги муносабатни кўп ҳолларда яширин тусга эга бўлган агентлик шартномаси тартибга солади. Ҳуқуқий маънода агентга таъриф берадиган бўлсак, агент бу учинчи шахс билан бўладиган муносабатларда бошқа бир шахс (принципал) томонидан ваколатга эга бўлган, уни билдиради ва унинг номидан ҳаракат қиладиган шахсдир[1].

Халқаро миқёсда агентлик асосан савдо экспорти билан боғлиқ фаолиятларда кўп учрайди. Бундай жараёнда экспортёр чет элдаги агентга қуйидаги икки хил шаклдан бири асосида иш олиб боришга ваколат беради: биринчиси, агент ўзи фаолият юритадиган ҳудудда учинчи шахсларнинг орасидан ишбилармон ҳамкорни танлайди[2], аммо шартнома тузиш принципалнинг номидан амалга оширилади; иккинчидан, агент принципал номидан учинчи шахслар билан шартномалар тузиши мумкин.

Ҳар қандай агентлик келишуви қуйидагича уч турдаги муносабатларни юзага чиқаради:

- агент билан принципал ўртасида;
- принципал билан учинчи шахс ўртасида;
- агент билан учинчи шахс ўртасида.

Биринчи турдаги муносабатни агент билан принципал ўртасидаги ички битим тартибга солади. У кўпинча икки тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, агентнинг ваколатини ҳамда мукофотини белгилайдиган ҳақиқий агентлик шартномаси деб аталади.

Иккинчи турдаги муносабат одатдаги олди-сотди шартномасининг предметини ташкил этади, бироқ ўзига баъзи қўшимча хусусиятларни, яъни шартнома вакил орқали тузилди, деган сўзларни киритади.

[1] The term "agency" includes a wide range of commercial relations, characterized by an agent's performance of certain acts on behalf of principal. Agents are normally independent contractors acting in the capacity of commercial agents, del credere agents, brokers and factors, though some countries have other types of agents. Popova E. The Law Applicable to Agency. Budapest. CEU, 1999. P. 3.

[2] Bowstead and Reynolds, Bowstead and Reynolds on Agency (16th ed.) Sweet and Maxwell, London (1996). P.43

Учинчи хил муносабат эса алоҳида мажбуриятларни билдиради. Суд амалиётида агент, принципал томонидан берилган топшириқдан келиб чиқиб, муносабатларни амалга оширишида: ё принципалнинг мавжудлигини учинчи шахсга эълон қилмасдан ўз номидан иш юритишга, ёхуд, принципал ҳисобидан ва унинг топшириғи билан, лекин унинг номини ҳеч кимга маълум қилмаган ҳолда иш юритишга йўл қўйилади[1].

Агентга бериладиган ҳақ унинг ўзи томонидан ёки унинг иштирокида сотиладиган товарнинг нархига нисбатан фоиз билан белгиланади. Агентлик шартномаси асосида агент қуйидагича ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин: принципалга тегишли товарни бошқариши, мижозга кредит бериши ёки ундан харид нархи бўйича суммани олиши мумкин. Бундай вақтда агентнинг шахсий нуфузи, ишончлилиги принципал учун жуда муҳим омиллардан биридир. Агентлик шартномаси, принципал билан учинчи шахс ўртасидаги шартнома мажбуриятларини ўрнатишдан иборат охирги мақсадни акс эттирувчи, агентнинг юридик ва реал ҳаракатларни амалга оширишига қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Қоидага кўра, агент принципал номидан ҳаракат қилади, шунингдек, унинг томонидан ёки ёрдамида тузилган битим бевосита принципал учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Принципал ва агент ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ёзма ва оғзаки битимларда белгиланилиши мумкин.

Бу уч хил турда амалга ошиши мумкин: 1) агент учинчи шахс билан ўз номидан шартнома тузади ва принципал фойдасини кўзлаб фаолият юритади; 2) агент принципал тўғрисида маълумот бериши мумкин, лекин унинг номини айтмайди, бироқ номи айтилмаган принципал фойдасини кўзлаб ҳаракат қилади; 3) агент принципал фойдасини кўзлаб фаолият юритиб, унинг мавжудлигини ва номини айтади.

Принципал ва агент ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, авваламбор улар ўртасида тузилган шартномада белгиланган қоидалар билан тартибга солинади. Ўзаро муносабатларини тартибга солишда эса унга нисбатан татбиқ этадиган қонунни аниқлаб олиш жуда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бундай қонун, биринчи навбатда, тарафлар томонидан танланган ҳуқуқ билан (ФК 1189-модда), иккинчидан, агар қўлланиладиган ҳуқуқ танланмаган бўлса, (ФК 1190-модда) белгиланишига кўра, шартнома узвий боғланган давлат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Агентлик битими ўзига хос муносабатларни акс эттириб, ташқи савдо битимини тавсифлайдиган ҳуқуқий доктринанинг ҳамма талабларига жавоб беради, деган фикр-мулоҳаза муҳим аҳамият касб этади. Чунки у ташқи иқтисодий муносабатларни кенгайиши ва такомиллашишида асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади.

Агентлик шартномаси халқаро хусусий ҳуқуқда икки алоҳида тараф ўртасидаги муносабатнинг муҳимлиги билан ажралиб туради. Агентнинг принципал манфаатлари йўлидаги фаолиятининг натижаси бўлмаса, принципал билан агент ҳамда принципал билан учинчи шахс муносабатга кириша олмайди. Принципал билан агентнинг ўзаро муносабатларини, принципал билан учинчи шахснинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш учун қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Агентлик шартнома муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалалари мамлакатимиз қонун-ҳужжатларида муайян тарзда белгиланмаган. Агентлик шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш тўғрисидаги тартиб-қоидалар чет давлатлар қонунларида ҳамда халқаро шартномаларда акс этган.

Ушбу конвенция товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари билан узвий боғланган агентлик (воситачилик) муносабатларининг коллизион масалаларига бағишланган. Ушбу конвенция тартибга соладиган агентлик муносабатларининг ўзига хос белгиларини ажратиш муҳим ҳисобланади. Конвенциянинг 1-моддасига биноан, бир шахс, яъни агент принципалнинг номидан тайинланиб, учинчи шахс билан унинг номидан муносабатга киришиш, ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади[1]. Шунингдек, конвенцияда бошқа бир шахсларнинг номидан музокаралар олиб бориш, таклифлар бериш ва олиш каби фаолият юритадиган агентларга ҳам татбиқ этилиши белгиланган. Конвенциянинг яна бир муҳим қоидаси шундаки, унинг қоидалари агент ўз номидан иш юритганда ҳам, принципал номидан фаолият юритганда ҳам татбиқ этилиши мумкин. Бошқача айтганда, шартнома муносабатларига нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқни аниқлаш агентлик шартномасида ва шунингдек, комиссия, консигнация ва топшириқ битимларида ҳам белгиланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, агент фаолияти одатий (доимий) ва тасодифий тус олганда ҳам конвенция моддалари қўлланилиши мумкин. Шу билан биргаликда, ушбу конвенция қандай муносабатларга нисбатан тўлиқ қўлланилмаслиги белгиланган, яъни биринчи гуруҳ муносабатлари: тарафларнинг ҳуқуқий лаёқатлари масалалари, ҳужжатларнинг шаклига нисбатан бўладиган талабларни, оила ҳуқуқи бўйича вакиллик муносабатларини, мерос ва эр-хотин мулкий масалаларини, суд ёки маъмурий органлар қарорлари асосидаги вакилликни, суд жараёни билан боғлиқ масалаларда вакилликни, сув транспортлари бошлиқларининг вакиллиги каби муносабатларни ташкил қилади.

Бундан ташқари, 18-моддага асосан, қатнашувчи давлатлар чекланган алоҳида турдаги муносабатларга нисбатан конвенцияни қўлламаслик шарти билан ҳам қўшилишлари мумкин. Улар, банк операцияларини амалга ошириш вақтида банк ва банклар гуруҳи вакиллигига, суғурта соҳасидаги вакилликка нисбатан конвенция тартиб-қоидаларини татбиқ этмасликлари мумкин.

Конвенциянинг 4-моддасида тарафларнинг эрк мухторияти белгиланган, яъни унга кўра аниқланган мамлакат ҳуқуқи, у конвенцияда қатнашувчи давлат ҳисобланадими ёки йўқми, қатъи назар татбиқ этилиши мумкин. Ушбу конвенция аъзо давлатлар субъектларига ўзаро муносабатларига нисбатан конвенцияга умуман алоқаси бўлмаган мамлакатлар ҳуқуқи татбиқ этилишини белгилаган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ундан кейин шунга ўхшаш қоидалар 1986 йилда қабул қилинган Гаага ва 1980 йилда қабул қилинган Рим конвенцияларида ҳам ўз аксини топди.

1978 йилда қабул қилинган ушбу конвенция вакиллик муносабатларига тегишли икки жиҳатни ўз ичига олган: 2-бўлимда агент билан принципал (вакил билан ваколат берувчи) ўртасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларини ҳамда 3-бўлимда агент билан учинчи шахс ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларини ўз ичига олади. Агент билан принципал ўртасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқни белгилашда тарафларнинг эркинликлари устивор кучга эгадир. Унга кўра, татбиқ этиладиган ҳуқуқ шартномада ёки иш ҳужжатларида аниқ кўрсатилган у ё бу давлат ҳуқуқига нисбатан имло бўлиши лозим.

[1] Thomas F. Clasen. International Agency and Distribution Agreements. (Analysis and Forms). Michie, USA. 1995. P.55

[1] Thomas F. Clasen, International agency and Distribution Agreements, (Analysis and Forms), Michie, USA, 1995. P-4.

Агар тарафлар қўлланиладиган ҳуқуқни ўзаро белгиламаган бўлса, у ҳолда конвенциянинг 6-моддасига биноан агентлик муносабатлари юзага келган вақтда принципалнинг (ваколат берувчи) қайси мамлакат ҳудудида ташкилоти: жойлашган бўлса, ўша мамлакат ички ҳуқуқи қўлланилади. Агар принципалнинг ташкилоти мавжуд бўлмаса, у ҳолда яшаш жойи қонуни татбиқ этилади. Агар принципал ташкилотлари бир неча мамлакат ҳудудида жойлашган бўлса, муайян муносабатга нисбатан узвий боғланган ташкилот жойлашган давлат ҳуқуқи татбиқ этилади.

Умуман олганда, конвенция ва ундаги қоидалар агентлик шартномаси тарафларига ўзаро муносабатларига нисбатан ўз шахсий муносабатларидан келиб чиқиб, хоҳлаган мамлакат қоидасини танлаш ҳуқуқини берган деса ҳам бўлади. Конвенциянинг 9-моддаси тарафлар томонидан танланган давлат ҳуқуқидан ва конвенцияда акс этган коллизион нормалар асосида белгиланган мамлакат ҳуқуқидан чекиниш тўғрисидаги тартиб-қоидани ҳам белгилаган. Биринчи ҳолат юзасидан конвенция 16-моддасида агентлик шартномаси билан узвий боғланган мамлакатнинг ички императив нормалари қўлланилиши масалалари ҳам белгиланган. Унга кўра коллизион нормалар асосида аниқланган ҳуқуқдан қатъи назар муайян давлат ички қонуни татбиқ этилади.

Конвенциянинг яна бир жиҳати унда оммавий тартиб тўғрисидаги қоидаларнинг акс этганлигидир. 17-моддага биноан, конвенция билан аниқланган ҳуқуқни татбиқ этиш мамлакат оммавий тартибига зид келса, унинг қўлланилиши рад этилади.

Ушбу конвенция тартиб-қоидалари билан ўхшаш қоидалар 1980 йилда қабул қилинган "Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида" ги Рим Конвенциясида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Буюк Британияда ушбу муносабатни тартибга соладиган қонун, Европа Иттифоқи давлатлари томонидан қабул қилинган "Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида"ги Рим Конвенциясидан келиб чиқиб, Буюк Британиялик юридик шахс иштирок этадиган ушбу шартнома муносабатига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ, яъни принципал билан агент муносабатларини белгилайдиган шартномага нисбатан ҳуқуқ Рим конвенцияси нормалари билан аниқланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Рим конвенцияси 1991 йил 1 апрелдан кейин тузилган шартномаларга нисбатан қўлланилади; унгача бўлган шартномалар умумий ҳуқуқ тартиб – қоидалари билан белгиланади[1]. Умумий ҳуқуққа биноан эса, агентлик шартномаси принципал билан агент қайси давлатда ўз муносабатларини ўрнатган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Агентлик шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш борасида ягоналаштирилган тартиб-қоида Рим конвенциясидан аввал ҳам ишлаб чиқилган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, бундай тартиб-қоидалар 1978 йилда Гаагада қабул қилинган "Агентлик шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ" тўғрисидаги конвенциянинг 1 ва 5-моддаларида мужассамлаштирилган. Лекин ушбу конвенция давлатлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмади[2].

Касаясь предложения Узбекистана о включении Афганистана в региональные интеграционные процессы, считаю, что этот вопрос необходимо еще глубже изучить, и его решение зависит от самого Афганистана. Японии необходимо совместно со странами региона определить приоритетные совместные проекты по участию в его восстановлении.

С.А.: Как известно, Президент Республики Узбекистан И. Каримов первым из государственных деятелей призвал международное сообщество к объединению усилий в борьбе с терроризмом. Что думают в Японии по поводу искоренения этой угрозы международной безопасности?

С.Х.: Мы хорошо понимаем, что для обеспечения стабильности Узбекистана и других стран Центральной Азии очень

серьезным вопросом является борьба с международным терроризмом. С такой опасностью надо бороться постоянно, и Япония старается внести свой вклад в эту борьбу.

Говоря о глобальной роли Японии в борьбе с международным терроризмом, необходимо отметить, что раньше японцы, из-за наличия конституционного запрета, были настроены очень осторожно в отношении отправки военных частей Сил самообороны за границу. Однако в последнее время общественное мнение по этому вопросу очень сильно изменилось. Такая же ситуация сложилась и в правительственных кругах.

Многие стали осознавать, что Япония, будучи одним из глобальных государств мира, уже не может полноценно нести ответственность по обеспечению международной безопасности только путем внесения финансового вклада, но без участия вооруженных сил.

В последние годы, в связи с событиями вокруг Ирака, вновь возник вопрос участия японских сил самообороны. Наши военные не примут участия в боевых действиях в Ираке, а будут лишь работать над восстановлением его инфраструктуры. Японские военные выполняют функции гражданских лиц. Таким образом, Япония и в дальнейшем будет вносить свой посильный вклад в обеспечение международной стабильности.

С.А.: Хакамада-сенсей! Узбекистан с самого начала проведения экономических и социально-политических преобразований придерживался политики последовательности, которая формировалась с учетом особенностей его историко-культурного развития. С первого взгляда Ваша страна воспринимается как государство, которое, находясь на передовых позициях индустриальной цивилизации, сумело при этом сохранить восточный менталитет и самобытность. В то же время, как указывают специалисты, в ближайшем будущем формирование стабильного и обеспеченного гражданского общества должно остаться первостепенной задачей для Японии.

Каковы, на Ваш взгляд, перспективы этого сочетания? Что из этого, с Вашей точки зрения, могли бы заимствовать страны Центральной Азии?

С.Х.: Действительно, мы в Японии, проведя модернизацию, как-то удачно соединили современные и традиционные элементы культуры. Не может существовать готовых рецептов демократизации или построения рыночной системы. Американский или западноевропейский опыт также невозможно напрямую перенять без негативных последствий. Невозможно также обеспечить свое будущее без построения демократии, рыночной системы и гражданского общества. Это – всемирная цель, и Узбекистану тоже нужно идти к ней, но вопрос – каким путем и как идти. Это зависит, прежде всего, от самой страны. Необходимо также принимать во внимание особенности каждой страны и народа, в частности Узбекистана.

Мы знаем, что Узбекистан имеет свою специфику и свой взгляд на построение демократического, гражданского общества и рыночной экономики. Следует придерживаться умеренного, сбалансированного подхода к реформам, которые упреждали бы крайности. Только таким образом можно построить демократическое, гражданское общество и рыночную систему в своей стране.

С.А.: А Японии это удалось?

С.Х.: Да, к счастью, японцам это удалось: были сформированы сильный порядок, дисциплина и очень честные или доверительные отношения между людьми. Был введен порядок, предусматривающий обязательное выполнение своего обещания. Самое главное - сохранить свое лицо, честь или доверие; если один раз это правило нарушается, то потеряешь все. Такая культура очень помогла людям выжить и развиваться. Если возможно что-то заимствовать из японского опыта развития, то можно принять такую культуру.

С.А.: Господин профессор! Расскажите, пожалуйста, также об основных приоритетах японской политики в отношении Узбекистана по дальнейшему усилению стратегического партнерства между нашими странами. Какие, на Ваш взгляд, существуют неиспользованные возможности в двусторонних отношениях, особенно в сфере привлечения инвестиций из Японии?

С.Х.: Нам надо укреплять японо-узбекские экономические отношения, которые осуществляются на двух направлениях: на правительственном или официальном уровне и партнерские или прямые отношения. Правильнее будет задействовать неиспользованные возможности – привлечение частных японских инвестиций, то есть капитала частных лиц. К сожалению, его пока очень мало в регионе.

Японским деловым кругам необходимо предоставить больше информации о самом регионе и конкретно о республике, ее возможностях, природных и человеческих ресурсах. Главное - это условия для инвестирования. Создать такой инвестиционный климат, чтобы не только японцы, но и любой иностранный инвестор захотел вкладывать сюда средства. И это подразумевает не только принятие правильных законов. Большое значение имеет отношение людей. Здесь важно, чтобы народ сам осознал серьезность и важность этого. Человеческий фактор играет здесь не последнюю роль.

Причины незначительных объемов производства качественной экспортоориентированной продукции на территории большинства государств СНГ, включая Россию и страны Центральной Азии, заключаются в недостаточной нормативно-правовой базе, касающейся иностранных инвестиций.

С.А.: Уважаемый профессор, Вы уже много раз побывали в нашей стране, хорошо знакомы с теми преобразованиями, которые происходят здесь. В этой связи, хотелось узнать о Ваших впечатлениях о пребывании в Узбекистане?

С.Х.: Впервые я приехал в Узбекистан вместе с женой еще 35 лет тому назад, когда мы были молодыми аспирантами Московского государственного университета. С тех пор я уже несколько раз приезжал в вашу страну.

В этот раз мы, конечно, стали свидетелями больших изменений у вас. Побывали в Нукусе, Хиве, Бухаре и Коканде. Многие исторические памятники, мечети в этих городах были восстановлены и отреставрированы за счет средств вашего государства. Наша страна также вносит напрямую и через ЮНЕСКО свой вклад в восстановление исторического и культурного наследия вашего народа. Но, главное, ваше правительство и люди сами делают такую работу.

В ходе своей поездки я сам увидел и убедился, что там построены современные совместные компании, предприятия и заводы. Например, работает совместное узбекско-южнокорейское текстильное предприятие, которое создано при содействии японской компании "Марубени". Мое представление о Фергане сильно изменилось. Мы побывали и в гостях у простых людей; хотя они имеют небольшой доход, но внутри дома есть прекрасный ухоженный сад. Конечно, встречались и бедные дома тоже.

Для Узбекистана самым главным в настоящее время является создание благоприятного и надежного инвестиционного климата с целью привлечения в экономику страны больших объемов иностранного капитала. Другим важным моментом является формирование истинно рыночного подхода.

С.А.: Традиционный вопрос: Ваши пожелания нашим читателям?

С.Х.: Хотел бы сказать, что люди должны больше узнавать о внешнем мире, о других странах и народах. Очень важным в самопознании людей является как можно более широкий взгляд на мир.

С.А.: Хакамада-сенсей, большое спасибо за очень содержательную беседу.

Насриддин Назаров,
Фалсафа фанлари номзоди

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СИЁСИЙ ВА ЭТНОИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСЛАРИ

Марказий Осиё минтақасидаги суверен давлатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан интеграциялашуви минтақада яшовчи туб миллатларга қўшимча масъулият ва вазифаларни юклайди. Бу вазифаларнинг ижобий ечими жамиятнинг этносиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Булар, албатта, минтақадаги давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги ҳамда миллатлараро муносабатларнинг позитив ривожига асосланган яхши қўшничиликдир. Шу билан бир қаторда, миллий давлатчилик ҳудудларида этник ҳамжиҳатлик асосида яхлит фуқаровий бирликни таъминлаш этносиёсий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай барқарорликнинг ривожини таъминловчи асосий омиллардан бири – ўзаро бағрикенглик тамойилидир. Миллий бағрикенглик минтақа халқлари менталитетида муҳим қирра ҳисобланиб, бу хусусият асрлар давомида этноижтимоий тараққиёт ҳамда минтақа халқларининг ҳудудий бирлигини таъминлаб келган. Ана шу бағрикенглик Марказий Осиё давлатларида интеграциялашув жараёнларининг ижобий ривожини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Интеграциялашув жараёни Марказий Осиё давлатлари учун регионал характер касб этиши билан бир қаторда, глобал, яъни планетар аҳамиятга ҳам эга. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш минтақада тинчлик ва барқарорликнинг сиёсий-ҳуқуқий кафолати сифатида, яхлит жуғрофий асосга эга бўлган халқларнинг миллий анъана ва маданиятларини тарғиб этиб, минтақада ижтимоий-маданий омиллар ривожида ҳамда жамиятнинг умуминсоний қадриятлар сари трансформациялашувида жиддий ўрин эгаллайди.

Минтақа халқларига хос тарихий омиллар ҳам ижтимоий ҳамжиҳатликнинг барқарор характерга эга бўлишини таъминлайди. Чунончи, Марказий Осиё ҳудудида ҳар бир халқнинг ўзига хос ва айни вақтда умумий асосга эга маданияти, турмуш тарзи ва анъаналари шаклланиб, асрлар давомида ривожланиб борди. Айниқса Шарқ ва Ғарб орасида савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилгач, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган минтақамиз халқлари жаҳоннинг турфа халқлари билан савдо-хўжалик, шу билан бир қаторда, маданий алоқаларни ҳам ривожлантириб борди. Ана шундай ижтимоий-маданий ва савдо иқтисодий тараққиёт туфайли минтақадаги кичик этник бирликлар йирик этнос сифатида шаклланиб бордилар.

Албатта, ҳар-бир этник бирлик ўзига хос шаклланиш ва этник ривожланиш тарихига эга. Машҳур шарқшунос, академик Н.И.Конрад таъбири билан айтганда: "Ҳар бир халқ, миқдор жиҳатидан катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, такрорланмас хусусиятларни ўзида мужассам этган ўзига хос тарихга эга. Ҳатто айтиш мумкинки, инсоният тарихи ана шундай кичик халқлар тарихидан ибтидо олади".[1] Минтақада яшовчи барча халқлар ва этник гуруҳлар тарихи умуминсоният тарихининг ажралмас қисмидир. Минтақадаги бугунги этноижтимоий ҳолат ҳар томонлама барқарорликнинг доимийлиги далолатидир. Шу билан бир қаторда, минтақа давлатлари тараққиётининг сифатий жиҳатларини янада устувор таъминлаш мақсадида қуйидаги аспектларга асосий эътиборни қаратиш замон ва давлат талабларига монандир:

- Минтақадаги барча давлат, миллат ва этник гуруҳлар вакилларини ҳамкорлик ривожини таъминлашга жалб этиш;
- Маданий хусусият ва хислатларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаб, ижобий хусусиятларнинг устунлигини таъминлаш;
- Трансмиллий институтлар фаолиятини жонлантириш ва янгиларини шакллантириш;
- Марказий Осиё халқлари менталитетидаги умумижтимоий хислатларни ўрганиш мақсадида комплекс тадқиқотларни амалга оширириш ва уларнинг хулосаларидан амалиётда кенг фойдаланиш;
- Миллий маданиятларнинг кўпқирралилигини таъминлаш ва янада ривожлантириш мақсадида минтақада этник интеграциялашув жараёнларининг индикатори бўлиб ҳисобланган Миллий маданий марказлар ва жамоат бирлашмалари фаолиятига янада кенг эътибор қаратиш, бунинг учун эса зиёлиларнинг ўзаро учрашувлари, адабий ва маданий декадалар ҳамда турли тадбирлар орқали ривожлантириб бориш.

Марказий Осиё давлатлари аниқ чегараларига эга. Лекин тарихан тараққиёт жараёнида ҳар бир давлатда қўшни давлатларга ном берган асосий миллатларнинг айрим қисмлари яшайди. Худди шу нарсани кўзда тутиб, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг: "Ҳар қандай миллатнинг, шу жумладан, ўзбек миллатининг ҳам бирлиги унинг бошқа суверен давлатларда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида яшаётган ўз этник қардошлари билан яқиндан муносабатда бўлишини ҳам назарда тутади",[2] - деган фикрлари ҳар бир миллатнинг этноижтимоий тараққиёти бевосита ўз миллий давлатчилиги ҳудудидан четда яшовчи миллатдошларининг тақдирига масъуллик ҳамда қўшни миллатлар билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу жараённинг ҳолатини аниқлаб, тавсиялар ишлаб чиқиш, "Ижтимоий Фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Марка-

[1] Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: 1972. с. 454. /Таржима бизники-Н.М./

[2] И.Каримов.Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.1997.

зий Осиё республикаларида этноинтеграцион жараёнларнинг ривожи ва бу жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида 2001 йилда ўтказган социологик тадқиқоти бу фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, этносоциологик тадқиқот шуни кўрсатадики, Марказий Осиё минтақасида туб ерли аҳоли орасида кўп асрлардан буён мавжуд қон-қариндошлик алоқалари, қуда-андачилик анъаналари бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Шу билан бир қаторда, мустақиллик шароитида минтақадаги интеграциялашув жараёнлари қўйидаги омиллар сабабли тезлашади:

· тарихий илдизларнинг кўп жиҳатдан умумийлиги ва этномаданий менталитетнинг ўзаро яқинлиги;

· дин, ташқи таҳдид, экологик муаммоларнинг умумийлиги;

· иқтисодий ва таълим андозаларининг ўзаро ўхшашлиги;

· ўзаро қон-қариндошлик алоқаларининг мавжудлиги ва серқирралиги;

· сиёсий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шарт-шароитларнинг яқинлиги;

· минтақа аҳолиси, асосан ёшлар орасида мутахассислик, орзу, интилиш, мақсадларнинг кўп жиҳатдан умумийлиги.

Респондентларнинг фикрига қараганда, интеграциялашув жараёнларнинг ижобий ривожини таъминлашда қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

1. Республикалар орасидаги сиёсий муносабатларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш;

2. Минтақада ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш;

3. Марказий Осиёда ягона савдо-божхона ҳудудини шакллантириш;

4. Минтақа манфаатларини ифодаловчи умумий иқтисодий стратегия ишлаб чиқиш;

5. Ҳар беш томон илмий, ижодий ва маданий зиёлилари орасида кенг алоқаларни йўлга қўйиш;

6. Ягона ахборот-маданий ҳудудини ташкил этиш.

Кейинги йилларда Марказий Осиёдаги ўзаро интеграциялашув ҳамда этноижтимоий ҳамкорлик жараёнлар ривожини кузатиб, қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Марказий Осиё минтақасида давлатлар ва миллатлараро муносабатлар ривожи этноижтимоий тараққиётда табиий жараён сифатида ижобий моҳият касб этади.

2. Интеграцион жараёнларнинг ижобий ривожи минтақада этник тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, ҳозирги давр учун глобал муаммо бўлиб ҳисобланган минтақавий хавфсизликнинг ҳам таъминланишида муҳим роль ўйнайди.

3. Минтақада бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт, Марказий Осиё давлатларида туб миллатлар манфаатлари билан бир қаторда, барча этник гуруҳларнинг ижтимоий манфаатларининг кафолати сифатида ижобий моҳият касб этади.

Минтақа халқларига хос бағрикенглик тамойили, ўзаро яхлитликни таъминлаш билан бир қаторда, минтақа давлатларининг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларининг ижобий ривожини ҳам таъминлайди.

Х.К.Сарымсакова,
Доцент УМЭД

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЕЙС-МЕТОДА В ПРЕПОДАВАНИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

Метод "кейс-стади" впервые был применен в Гарвардском Университете в 1924 г. С тех пор он считается флагманом этого метода. Его преподаватели пишут в год по 600 высококачественных "кейсов". Преподаватели из Европы ездят в США перенимать специфику этого метода. В начале 90-х из России, Казахстана и других государств бывшего СССР начали посылать стажеров в западные бизнес-школы для обучения преподаванию метода "кейс-стади".

За годы независимости система образования в Узбекистане, в том числе и вузовская, претерпела серьезные изменения. Основными факторами, влияющими на этот процесс, являются глобализация и информатизация образовательного процесса. Эти процессы не дают останавливаться на достигнутом. Нужно все время быть в поиске нового, передового, лучшего. УМЭД как один из новаторов образования в Средней Азии, не должен отставать от мировой тенденции.

Есть предметы, где невозможно уйти от традиционных академических методов обучения (например, математика, информатика). Хотя тут тоже возможны различные вариации в зависимости от индивидуальности преподавателя и возможностей студентов, а также от степени обеспеченности учебных аудиторий новыми технологиями. Есть предметы, где требуется постоянная импровизация, разыгрывание различных ситуаций, чтобы довести до студентов суть дела. Можно отнести к таковым микро- и макроэкономику, экономическую теорию, менеджмент, маркетинг, эконометрию, политологию. Этот список еще можно продолжить. Так что же это за метод — метод конкретных ситуаций?

"Кейс стади – это изучение какой-то ситуации, с которой столкнулся реальный руководитель или группа руководителей, включающее историю ее развития. Она представлена в повествовательной форме, чтобы вызвать большой интерес у студентов, и содержит данные, необходимые для анализа конкретной ситуации, выработки альтернативных решений и их выполнения с учетом сложности и неоднозначности реального мира"[1]. (Перевод наш. - Х.С.)

Рассмотрим проблему в следующем контексте:

· Что такое конкретная ситуация (КС)?

· Роль преподавателя в методе конкретных ситуаций (МКС).

· Положительные стороны КС.

· Минусы КС.

· Пути решения проблемы.

Это в первую очередь хорошо разработанный с точки зрения методики написания КС раздаточный материал, с которым должна ознакомиться аудитория. Количество КС меняется в зави-

[1] L.B.Barnes, C.R.Christensen, A.J. Hansen "Teaching and the Case Method". Harvard Business School, Boston, MA., 1987.

симости от количества студентов в аудитории. Их можно разбить в группы по 5-9 человек и каждой группе предложить разные КС. Каждой группе предлагается внимательно ознакомиться с проблемой и составить свои вопросы, касающиеся данной КС, хотя к КС обязательно прилагаются вопросы для обсуждения. Умение задавать правильные вопросы—это уже большое искусство, ибо, как считают специалисты, умение задавать правильные вопросы составляет 90% успеха руководителя. Нужно стараться задавать заранее тщательно обдуманные открытые вопросы, ответы на которые не напрашиваются сами собой. Вопросы должны служить прояснению сути дела и поиску путей решения обсуждаемой проблемы, поиску возможного плана действий, а также формулировке выводов и рекомендаций, сделанных после решения проблемы. Но это будет решение не одной личности, а коллектива личностей, рожденное в результате обсуждения КС.

Таким образом, МКС – это активная методика, поощряющая независимость, индивидуальность и новаторство мышления студентов и их самое активное участие в собственном обучении, не умаляя опыт, знания, а также индивидуальность самого преподавателя. Метод КС должен служить повышению качества преподавания.

В чем заключается роль преподавателя при этом нетрадиционном методе обучения?

"Преподаватель оказывает импровизированную помощь группе, когда она в ней нуждается. Он следит за порядком происходящего обсуждения. Он должен быть способен задать вопросы, которые могут помочь группе сделать шаг вперед, и в то же время оценить значение идей, высказанных ранее. Он должен уметь связать выступления отдельных студентов таким образом, чтобы не только он, но и группа могла увидеть их значение для общего обсуждения. Ему необходимо чувство времени, которое подсказывает ему, что обсуждение идет слишком медленно и не укладывается в отведенное время, или слишком быстро, так, что половина класса ничего не понимает. Он знает, что делать в таких случаях. Он контролирует по существу неуправляемую деятельность группы, но в то же время он не мешает обсуждению, чтобы не препятствовать совершению группой открытий, которые будут новыми также и для него. Поскольку непредсказуемость всегда свойственна подлинному процессу обучения, он изучает скорее свою группу, чем свой предмет."[1] (Перевод наш. - Х.С.)

Как видим, изменилась установка преподавателя просто научить студентов. При МКС преподаватель должен будет отказаться от своей традиционной роли и стать одним из них, не теряя при этом контроля над аудиторией, направляя ход дискуссии в нужное русло так, чтобы она не превратилась просто в спор о предмете обсуждения. Он должен будет постигать истину вместе со студентами. Он должен развивать в студентах умение наблюдать, слушать друг друга, общаться, делиться своими мыслями и принимать решения. Таким образом, задача преподавателя намного усложняется. Но и студенты теперь обучаются не пассивно, а очень активно. У них формируются профессиональные навыки в управлении бизнесом, проявляются лидерские качества. Им интересно заниматься на конкретном примере. У преподавателя также происходит профессиональный рост. Он больше узнает своих студентов, больше работает над собой. По сути преподаватель и студенты будут учить друг друга. Здесь, конечно, надо подумать о возможных способах организации и проведения занятий.

2 Adults as Learnes, Patricia K. Cross, Jossey-Bass, San Francisco, 1981. The Role of the Instructor in the Case Method, Kenneth R. Andrews (9-370-143) also...

Последовательность действия ситуационного обучения при классической методике



Опыт показывает, что при использовании МКС возникает ряд технических, организационных трудностей. В чем они проявляются? Во-первых, не все вузы достаточно оснащены для этого, т.е.:

· Современные учебные аудитории по своей оснащенности исключают возможность создания реальных ситуаций.

· Нельзя учитывать сразу все проблемы и трудности, которые возникают в реальной повседневной жизни.

· Приходится довольствоваться тем, что прочитано или рассказано на занятии.

· Требуется достаточная информационная обеспеченность.

· МКС требует значительного материального оборудования: дополнительных аудиторий, множительной техники.

· Работа над КС предполагает использование студентами компьютерных технологий и интернета для поиска информации, а также наличие средств презентации.

Кроме того, для преподавателя возникает целый ряд трудностей эмоционального, психологического, интеллектуального характера:

· Мешает стереотип мышления.

· Очень трудоемок процесс сбора информации, зачастую ее просто невозможно получить.

· Отсутствие КС, написанных на местном или хотя бы региональном материале.

· Подготовка к занятиям занимает очень много времени и сил.

· На общение с группой в аудитории затрачивается большое количество энергии.

· Во время обсуждения приходится постоянно находиться в эмоциональном и интеллектуальном напряжении.

· Нет возможности проверить решение проблемы.

· Лимит времени, отведенный на обсуждение КС, ограничен.

Другим препятствием является необходимость внесения коррективов в существующие нормативы распределения нагрузок и финансовых средств. Ведь для внедрения этого метода потребуются дополнительные аудитории, оснащенные современной технологией. Работа в малых группах сопряжена с увеличением аудиторной нагрузки. Эти барьеры непреодолимы без соответствующей поддержки и понимания со стороны руководства вузов.

Поскольку речь идет о совершенствовании методики преподавания бизнес дисциплин, то напрашивается естественный вопрос: как стимулировать ученых, которые преподают экономику и бизнес, писать учебные КС на основе местного или регионального материала? Ведь критерием оценки научной деятельности является количество опубликованных научных статей: чем их больше, тем лучше. А КС пока к таковым не относится. Зачем тогда тратить драгоценное время?

С другой стороны, у большинства преподавателей нет методики и навыков написания КС; нет информации, основанной на местном материале. Пожалуй, это является чуть ли не основным препятствием, связанным с МКС. Чтобы написать КС нужно, прежде всего, провести глубокое маркетинговое исследование рынка и уже на основе этого начать собирать необходимую информацию, имеющую практическую ценность в обучении студентов. Но, оказывается, недостаточно только изучить рынок и выяснить, какую информацию надо добыть. Добыть эту информацию и является самым сложным этапом в процессе написания КС. Многие организации и фирмы отказываются от предоставления информации.

Что нужно сделать на пути преодоления перечисленных барьеров?

· Провести серию обучающих семинаров с приглашением ведущих специалистов в этой области.

· Разработать и обеспечить всех преподавателей методическими пособиями по написанию КС.

· Решить административные и финансовые вопросы, связанные с внедрением МКС.

· Стимулировать ученых и преподавателей на написание кейсов.

· Всячески содействовать добыче информации от соответствующих фирм и организаций.

· Увеличить количество аудиторий, оснащенных компьютерными технологиями и интернетом.

· Считать написание и опубликование КС за научный труд.

· Создать Центральноазиатский или Узбекский центр по сбору и опубликованию лучших КС на конкурсной основе.

Все эти меры должны будут содействовать совершенствованию методов обучения и подготовке нового поколения руководителей и организаторов бизнеса в Узбекистане.

asosiy savdo markazlari bilan bog'lardi. Bu yo'llar toshkentlik savdogarlarni qozoq cho'llari orqali Rossiya chegara rayonlarigacha olib borardi.[1]

Buxoro xonligining Qozoq xonligi aholisini hunarmandchilik, ayniqsa, to'qimachilik sanoati mahsulotlari bilan ta'minlashdagi o'rni yuqori bo'lgan va dasht ko'chmanchilari ijtimoiy-iqtisodiy hayotida hal qiluvchi omil bo'lgan. Fazlulloh Ibn Ro'zbexon o'zining "Mehmonnomai Buxoro" asarida ma'lum qilishicha, Qozoq xonligi aholisining movarounnahrlik hunarmandlar tayyorlagan kiyim-kechaklarga nisbatan ehtiyoji baland bo'lgan. Shu sababdan Samarqandlik tikuvchilar tomonidan tayyorlangan kiyimlar katta miqdorda dasht hududiga olib ketilgan. Asar muallifining so'zlariga qaraganda, movarounnahrliklar tomonidan ishlab chiqarilgan matolar ichida ayniqsa bo'z matosiga talab katta bo'lgan. U bu haqda so'z yuritarkan, ko'chmanchi qozoqlar bu matodan juda ko'p miqdorda foydalanganligini aytib, "..., bu matoni tinchlik bo'lgan vaqtda savdogarlar orqali olib ketishgan. Yirik yer egalarining o'zaro urushlari bo'layotgan va savdo uzilib qolgan vaqtda esa, dashti qipchoqlik sultonlarning harbiy otryad boshliqlari Movarounnahrga hujumlar uyushtirishib, bo'z matolaridan olib ketishgan".[2] Ko'chmanchi aholi o'rtasida bo'zdan tashqari chit, olacha kabi boshqa paxta va ipak matolaridan ham keng foydalanilgan. Garchi ularning sifati dashtliklarga mo'ljallanib dag'alroq to'qilgan bo'lsa ham qozoqlar turmush tarzida ko'p ishlatilgan. To'qimachilik mahsulotlaridan tashqari Buxoro kulolchilik va temirchilik buyumlaridan sopol idishlar, temir qozonlar ham ko'chmanchi aholi kundalik ehtiyojini qondirgan. Dashtliklar yana xonlik aholisining asosiy ozuqasi va transport vositalaridan biri hisoblangan otlar uchun zarur bo'lgan, Buxoroda yasalgan, egarjabdug' va taqalarning ham doimiy xaridorlari bo'lishgan.[3]

Qozoq xonligi hududidagi tabiiy iqlim sharoiti xonlik aholisiga dehqonchilik mahsulotlarini yetishtirishiga to'sqinlik qilib, asosan chorvachilik bilan shug'ullanishini taqozo etardi. Bu borada Fazlulloh ibn Ro'zbexon va Antoni Jenkinsonlarning asarlarida muhim ma'lumotlarni uchratish mumkin. Bu esa ko'chmanchi aholini o'troq aholi bilan doimiy aloqalarni saqlab qolishga intilishining va ularga tobe bo'lib qolishining asosiy sababi bo'lgan. V.Ya. Basin, P.P. Ivanov va G.A. Agzamovalar ham o'z tadqiqotlarida, qozoqlar buxoroliklardan boshoqli don ekinlaridan bug'doy, jo'xori kabilarni sotib olishganligini ta'kidlashgan.[4] Turkiston shaharlaridan biri hisoblangan Sayramning Abdullaxon II tomonidan o'z davlati tarkibiga kiritilishi dashtliklarning movarounnahrliklar bilan munosabatlarini yanada mustahkamlashga majbur qilgan. Chunki Sayram ham bu vaqtda yirik hunarmanochilik, savdo-sotiq markazi hisoblanib, dehqonchilik madaniyati yaxshi rivojlangan va dashtliklarni dehqonchilik mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini qondirishda muhim rol o'ynagan.

Ikki xonlik aholisi o'rtasida bo'ladigan savdodan ko'chmanchilar kabi, o'troq xalq ham ko'proq manfaatdor bo'lgan. Chunki Dashti Qipchoq aholisi Buxoro xonligida yetishtirilgan va ishlab chiqarilgan don,

[1] Sokolov Yu. Tashkent, tashkentsi i Rossiya. Toshkent. 1965, str. 47.

[2] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. ... . str. 86; Mukminova R. G. Ocherki po istorii remeslo v Samarkande i Buxare v XVI v.- T.: 1976, str. 54

[3] Djenkinson A. Puteshestviye... . str. 184; Mukminova R. G. Ocherki po istorii remeslo... . str. 56.

[4] Basin V.A. Rossiya i Kazaxskiye xanstva v XVI-XVIII vv. (Kazaxstan v sisteme vneshney politiki Rossiyskoy imperii).- Alma-ata.: Nauka. 1971, str. 80. Ivanov P.I. Ocherki po istorii Sredney Azii. ... str. 75; Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri ... . str. 78-79.

kulolchilik, temirchilik mahsulotlari, zebziynatlar, kiyim-kechaklar va turli xil gazlamalarning iste'molchilari bo'libgina qolmay, chorvachilik mahsulotlari yetkazib beruvchilari bo'lganligini manbalardagi ma'lumotlar tasdiqlaydi. Avval qayd etib o'tganimizdek, ularning asosiy mashg'uloti chorvachilik bo'lganligi sababli, Buxoro xonligiga qo'y junidan va ot, tuya, mol terilaridan tayyorlangan namat, kigiz, xurjun, mesh kabi buyumlar olib kelingan. Qozoqlarda ayniqsa terini qayta ishlash va undan turli narsalar tayyorlash rivojlanganligini turkiyalik sayyoh Sayfi Chalabiy ma'lumotlari tasdiqlaydi. Sayfi Chalabiy o'z safar xotiralarida qayd etishicha, qozoqlar qo'y terisidan chakmonlar tikishib, dasht yerlarida o'sadigan maxsus o'tlardan tayyorlangan bo'yoqlar yordamida uni turli ranglarga bo'yashgan. Mahsulot juda chiroyli va nafis ishlangan bo'lib, xuddi atlasga o'xshab ketardi. Dashtliklar bunday chakmonlarni Buxoroga olib borib atlas qiymatiga teng narxda sotishgan.[1] Buxoro xonligi aholisi ko'chmanchi aholidan tulki va boshqa hayvonlarning mo'ynalarini sotib olish bilan birga, ular o'rta asrlarning asosiy transport vositasi hisoblangan tuya va otlarni yetkazib beruvchilari bo'lishgan.[2] Ular o'rtasida bo'ladigan ikki tomonlama savdodan, bir tomonning tovar sotishdan manfaatdorligi, ikkinchi tomonning kundalik turmush tarziga zarur bo'lgan mahsulotlarga nisbatan ehtiyoji ikki xonlik aholisining o'zaro aloqalari har qanday vaziyatda ham uzluksiz davom etishini talab qilgan. Xatto urushlar vaqtida ham to'xtab qolmagan. Binoiy o'zining "Shayboniynoma" asarida shunday yozgan: "Shayboniyxon va Burunduqxon o'rtasida bo'lgan urushning dastlabki yillarida Buxorodan Turkistonga Arquq orqali tovarlar yuklangan karvonlar qatnardi".[3] Shayboniyxonning qozoqlarga qarshi qilgan uchinchi yurushida qatnashgan Falulloh ibn Ruzbexon o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasidagi savdoda movarounnahrlik savdogarlardan tashqari qozoq savdogarlari ham katta rol o'ynaganligini va ular ham O'rta Osiyo hududlariga qatnab savdo bilan shug'ullanganligini ta'kidlab, "... ularning [qozoqlarning] savdogarlari doimo musulmonlar mamlakatining markazini (Buxoroni- S.G.) ziyorat qilib turishardi", - deya ma'lumot beradi.[4] Hofiz Tanish esa "Abdullanoma" asarida, Abdullaxon va Bobo Sulton tarafdorlari o'rtasidagi bo'lgan jang haqidagi hikoyasida, Abdullaxon II qo'shinlari Sabronda turgan vaqtda, Buxorodan Sabronga g'alla olib kelgan Xoja Kamoluddin Husayn boshchiligidagi savdo karvoni haqida ma'lumot bergan.[5]

Tangashunos olim E. A. Davidovich o'zining olib borgan tadqiqotlari jarayonida uchratgan arxeologik topilmalariga asoslanib aytgan fikriga ko'ra, Turkiston shaharlarida o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasidagi savdo dastlabki vaqtlarda mol ayriboshlash usuli orqali amalga oshirilgan bo'lsa-da, keyinchalik bu jarayon pul vositasida olib borilgan. Olim o'zining bu fikrini Yassidan topilgan zarbxona va Suzoqdagi qazish ishlari vaqtida topilgan XVI asr Buxoro tangalari misolida isbotlagan.[6] Demak, o'sha davr manbalarida va ko'plab tarixchi olimlar tadqiqotlarida ta'kidlanganidek, Buxoro va Qozoq xonligi

[1] Sultonov. Osnovnie voprosi istorii Kazaxskogo naroda v XV-XVII vekax po per., tadji.,turk., istochnikam. /Avtoref. Dis. kan. ist. nauk.- L.: 1971, str. 18;

[2] Sokolov Yu. Tashkent, ... str. 47.

[3] Pishulina K. A. Prisirdarinskiye goroda ... . str. 42.

[4] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. Mixman-nama-i Buxara. str. 98

[5] Hofiz Tanish. Abdullanoma.- T., Sharq. 2000. 2-kitob. 85-bet

[6] Davidovich E. A. Numizmaticheskiye zametki (Karaxanidы, Chingizxan, Sheybanidы). // "Izvestiya AN Tadj SSR", №3, 1968, str. 84;

aholisi o'rtasidagi savdo-sotiq aloqalari hamma davrda bo'lganidek XVI asr ikkinchi yarmida ham, garchi bir xil darajada kechmagan bo'lsa-da, ammo uzluksiz davom etgan.

Qozoq xonligi bilan olib borilgan ko'p tomonlama aloqalar Buxoro xonligi uchun hududiy xavfsizlikni, ishlab chiqarishning rivojlanishini ta'minlash bilan birga, Abdullaxon II davlatini G'arb davlatlari bilan olib boradigan tashqi savdo aloqalariga ham katta ta'sir ko'rsatgan. Chunki, Qozoq xonligi hududi Buxoro xonligida ishlab chiqarilgan mahsulotlarning asosiy iste'molchilari bo'lishdan tashqari savdo va elchilik karvonlarini sog'-omon manziliga yetib borishida muhim rol o'ynagan. Buxoro xonligi hududidan yo'l olgan savdo yoki elchilik karvonlari Dashti Qipchoq hududi orqali Rossiya kabi G'arb davlatlariga yetib borgan. Buxorolik, xivalik va samarqandlik savdogarlar Rossiya davlati bilan bo'ladigan savdodan katta foyda ko'rishgan.[1] G'arb davlatlari bilan bo'ladigan savdo aloqalari Buxoro xonligini bir tomondan tashqi eksport salohiyatini oshishiga, natijada ishlab chiqarishni rivojlanishiga yordam bergan. Ikkinchi tomondan esa, bu savdodan katta foyda olgan savdogarlardan olinadigan soliqlar davlatning asosiy daromadi bo'lib, xonlik xazinasini yanada boyishiga sabab bo'lgan. Katta foyda keltiruvchi va xonlik iqtisodiyotida katta o'rin tutuvchi ushbu karvonlarning yo'l xavfsizligini ta'minlash uchun esa, Qozoq xonligi bilan munosabatlarni yaxshilash lozim edi. Chunki yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, Buxoro va Rossiyani bog'lovchi savdo yo'llari aynan Qozoq dashtlari orqali o'tgan.

Garchi XVI asr boshlarida yangi geografik kashfiyotlar natijasida suv yo'llari kashf etilgan bo'lsa-da, oldingi quruqlik yo'llari hali o'z ahamiyatini yo'qotmagandi. XVI asrdan to XVIII asrning 40- yillarigacha karvonlar Buxorodan G'arbga Qozoq dashtlari orqali olib o'tilgan.[2] Bu karvon yo'llari haqida tarixchi olimlar o'z tadqiqotlarida ko'plab ma'lumotlar keltirishgan. Ingliz sayyohi Antoni Jenkinsonning ma'lumotlariga ko'ra, Astraxandan Mang'ishloqqa (hozirgi Qozog'iston hududida joylashgan) Kaspiy dengizi shimoliy-sharqiy qirg'oqlari bo'ylab suzib o'tilgan. XVI asr ikkinchi yarmida yarim orolda Kaspiy dengizi bo'ylab o'tgan asosiy yo'l orqali shimoliy-sharqiy va janubiy-g'arbiy tomonlarga, ya'ni Buxoro va Xivaga boruvchi karvon yo'li boshlanadigan to'rtta joy mavjud bo'lgan. Ingliz sayyohining ma'lum qilishicha, ana shu joylardan biri To'pqo'rg'on dengizning shimoliy qirg'og'ida joylashgan. Bu yerdan yiliga ikki marta buxorolik va xivalik savdogarlar yelkanli kemalar orqali Astraxanga suzib o'tishgan.[3] Antoni Jenkinsonning bu ma'lumotlariga asoslanib fikr yuritadigan bo'lsak, demak, Buxoro xonligidan Dashti Qipchoq hududi orqali yiliga kamida ikki marta yirik savdo karvonlari o'tgan. Tobolskdan Markaziy Osiyogacha tutashgan, Qozoq xonligi hududidan o'tuvchi savdo yo'li esa, Irtish daryosi orqali yuqori Irtishga, u yerdan Ulug'tog' yon bag'irlari bo'ylab Sariqsuv va to Turkistongacha, keyin Sirdaryo orqali Buxoroga kirib borgan. 1595 yilda Qozoq xoni o'rdasiga tashrif buyurgan rus elchisi Velyamin Stepanov o'zining podsho Ivan IVga yo'llagan maktubida Qozondan boshlangan savdo yo'li Yoyiq (Ural) daryosi orqali Irgizga, u yerdan qozoq va no'g'oy dashtlari orqali Pegix tog'iga, undan Talos vodiysi bo'ylab Toshkent yoki Samarqandga, keyin Buxoroga yetib boruvchi yo'l to'g'risida gapirib o'tgan.[4]

[1] Ziyaev X. Uzbeki v Sibiri (XVII – XIX vv.).- T.: Fan. 1968, str. 10-11.

[2] Басин В.А. Россия и Казахские ханства в XVI-XVIII вв. (Казахстан в системе внешней политики Российской империи). - Алма-ата.: Наука. 1971, стр. 83.

[3] Djenkinson A. Puteshestviye... . str. 173-174.

[4] Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri ... . str.127; Abuseitova M. X. Srednevekovie pismennie istochniki ... . str. 153.

O'tkinchi karvonlar savdo yo'lida yashaydigan Qozoq xonligi aholisining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida muhim rol o'ynagan. Chunki o'tayotgan savdo karvonlaridan yerlik aholi katta foyda ko'rgan. Birinchidan, ularning ayrimlari bu karvonlarga hujum qilib, ko'plab mollarni qo'lga kiritgan bo'lsa, ayrimlari karvonlar to'xtagan yerlarda o'zlarining chorvachilik maxsulotlarining ehtiyoji uchun kerakli narsalarga almashtirish imkoniyatiga ega bo'lishgan va ko'chmanchilar bilan savdogarlar o'rtasida mol ayriboshlash jarayoni yuz bergan. Bu jarayon ko'chmanchi aholi chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarishini rivojlantirgan. Shu bilan birga, Antoni Jenkinsonning guvohlik berishicha, dashtda qaroqchilik qilib yurgan ba'zi bir ko'chmanchi qabilalar, karvonlarning xavfsizligini ta'minlab, ularni Dashti qipchoq hududidan qo'riqlab o'tkazib qo'yganliklari uchun katta miqdorda mablag' olishgan.[1]

Buxoro va Qozoq xonliklari o'rtasida olib borilgan savdo aloqalari Abdullaxon II davlatining iqtisodiyotini yuksalishiga hissa qo'shish bilan birga, boshqa G'arb davlatlari bilan bo'ladigan iqtisodiy munosabatlarda muhim rol o'ynagan. O'z o'rnida savdo aloqalari o'zaro madaniyat almashinuvini ta'minlagan. Chunki, savdo yo'llari qadimdan turli xalqlarning o'zaro madaniyat almashinuvi jarayonini amalga oshiruvchi vosita bo'lib xizmat qilgan. Bozorlarga karvonlar orqali olib kelingan tovarlar nafaqat iqtisodiy ehtiyojni qondirgan, balki, xalqlarning to'qimachilik, kulolchilik kabi hunarmandchilikning turli ko'rinishlardagi o'ziga xos ishlab chiqarish madaniyatlarini bir-biri bilan uchrashtirgan. Bozorlarda turli davlatlardan kelgan ilm ahillari uchrashgan va o'zaro bilim almashishgan. Shuningdek, olimlar, shoirlar kabi aholining turli xil toifasi savdo karvonlari orqali sayohat qilgan yoki bir mamlakatdan ikkinchi mamlakatga, yashab, ijod qilish uchun yetib borishgan. Bu esa jahon xalqlari madaniyatini uyg'unlashuviga va inson ma'naviyatining nodir mahsuli bo'lgan asarlarni vujudga keltirgan.

Abdullaxon II davlatining Qozoq va Yorkend xonligi bilan olib borgan savdo-diplomatik aloqalari ko'p qirrali, keng qamrovli va o'ziga xos xususiyati bilan ajralib turadi. Ularni o'rganish o'zbek davlatchiligi tarixini to'laqonli ochishga ma'lum ma'noda yordam berish bilan birga, bugungi kunda jahonda o'ziga xos mavqega ega bo'lgan, tashqi aloqalarni yanada rivojlantirishga harakat qilayotgan, Markaziy Osiyo davlatlarining iqtisodiy integratsiyalashuvini amalga oshirish uchun amaliy harakatlar olib borayotgan, qadimgi Buyuk Ipak Yo'li bo'ylab xalqaro TRASSEKA loyihasini amalga oshirayotgan O'zbekistonning siyosiy va iqtisodiy rivojlanishi uchun ham muhimdir.

[1] Djenkinson A. Puteshestviye ... . str. 179;